БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 146 (3245).
30 ИЮНЬ, 1980 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● *Беш йиллик вахтасида*

## ҚАНДОЛАТЧИЛАР ЮТУҒИ

БУГУН

**«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг коллективи йил бошидан бери 12 минг 500 тонна маҳсулот реализация қилиб олти ой учун белгиланган топшириқни адо этди.** Фабрика коллективи сифат ва самарадорлик беш йиллигининг якунловчи йилида эл дастурхонига ҳар қачонгидан кўп маҳсулот етказиб бериш учун мусобақалашиб меҳнат қилиб, бутун имкониятларни ишга соляпти. Жумладан, конфет цехидаги коммунист В. Низомова бошчилик қилаётган бригада ишчилари бир оила фарзандларидек меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришаяпти. Бу коллективга «Зарафшон», «Ўзбекистон мевалари», «Топишмоқ», «Чумчуқ сути» каби Сифат белгили конфетларни ишлаб чиқариш топширилган. Бригада аъзолари бу вазифани муваффақиятли адо этиб, ҳар куни савдо тармоқларига 4,5 — 5 тонна сифатли маҳсулот жўнатишяпти.

Фабрикада ҳозир 30 хилга яқин ёки жами маҳсулотнинг 45 процентдан ортиғи давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти.

# Тошкент—Москва Олимпиадасига

## Ўзбекистон санъати намойиши

**Ватанимиз пойтахтида очиладиган халқаро спорт анжуманига саноқли кунлар қолмоқда. Бу жаҳон учрашуви ўзининг кенг доираси ва мазмуни билан турли миллат ва халқларнинг тарихий байрамига айланади. Турли мамлакатларнинг спортчилари мусобақаларда беллашиши билан бирга мамлакатимиз халқларининг маданияти билан ҳам яқиндан танишишга муяссар бўладилар. Совет Ўзбекистонининг етук санъат усталари ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳам мана бу Олимпиада учун қизғин ҳозирлик кўрдилар. Ўзбекистон ССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари Раҳима Назаровна Назарова мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:**

— Куни кечагина Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик коллективларидан иборат группа Москвага жўнаб кетди. Ҳаваскорларимиз 200 та кишидан иборат. Танлаб олинган ансамбллар орасида Сурхондарё областидан «Ёшлик», Фарғона областидан «Зилола», Сурхондарё областидан «Райҳон», Самарқанддан «Ҳосил», Андижондан «Чашма», Наманагандан «Наманган гуллари», Қашқадарёдан «Шодиёна», Бухородан «Лола», Тошкентдан «Дўстлик таронаари», Жиззахдан «Чўлқувар» ашула ва рақс ансамбллари ва уларнинг истеъдодли рақкосалари бор.

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари Москвада Ленин номли Марказий стадионда жаҳон Олимпиадаси очилишига бағишлаб ижро этиладиган «Халқлар дўстлиги» рақсида қатнашадилар. Бундан ташқари республика хореография билим юртининг 50 ўқувчиси шу маросимда мамлакатимиз рақкосалари билан замонавий рақсларнинг ижросида иштирок этади. Ҳаваскорларимизга Рафиқ Султонов бош балетмейстерлик, Валентина Ульянова балетмейстерлик, Карим Азимов музика раҳбарлиги қилишмоқда.

Москва Олимпиадаси бадиий ҳаваскорларимиз билан бирга санъатимизнинг етук вакилларини ҳам чорламоқда. Ансамбллар ва машҳур санъаткорларимиз катта масъулият ҳисси ва зўр иштиёқ билан сафарга ҳозирлик кўришмоқда.

Республикада хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамбли тўла состави билан Москвага боради. Халқаро Олимпиаданинг маданий программасига биноан ҳар бир республика Москвада ўзининг кунини ўтказади. 17 июлда Россия Федерациясининг санъаткорлари маҳоратларини намойиш этишса, 30 июль куни навбат бизга берилади.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат филармониясининг солисти, республикада хизмат кўрсатган артист Мўътабар Йўлдошева Москва эстрада театри саҳнасида Совет эстрадаси усталари билан концертга чиқади.

«Шодлик» ашула рақс ансамбли ўзининг 15 кишилик коллективи билан Олимпиаданинг очилишига бағишлаб 18 июлда Москвадаги Съездлар саройида СССР халқлари дўстлигини улуғловчи концертда иштирок этади.

Москва Олимпиадаси биз Совет Ўзбекистонининг маданияти ва санъати вакиллари олдига ҳам шарафли вазифа қўйди. Санъаткорларимиз ва ҳаваскорларимиз жаҳоншумул аҳамиятдаги даврада маҳоратни намойиш этаолса биз ўзимизни ғоятда вазифамизни адо этганмиз деб ҳисоблаймиз. Халқаро спорт анжумани ўзининг қизғин мусобақалари ва маданий томошалари билан социалистик Ватанимизнинг тарихида энг унутилмас саҳифа бўлиб қолади.

# ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ— КПСС XXVI СЪЕЗДИГА

## СИФАТ— ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

Москваликлардан ўрнак олган Ҳамза райони саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларининг меҳнаткашлари 1980 йил планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача бажариш, КПСС XXVI съездига катта армуғонлар тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Якунловчи йил давлат планларини бажариш учун йил бошиданоқ зарбдорларча меҳнат қилаётган район саноатчилари бугунги кунда элликдан ортиқ номдаги маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқармоқдалар. Ўнинчи беш йиллик бошидан буён олий категориядаги маҳсулот тайёрлаш ҳажми 2,5 баравар кўпайди.

Саноат корхоналарида техника даражасини ҳамда маҳсулот сифатини ошириш планли равишда олиб борилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина 160 га яқин номда машиналар, асбоблар, аппаратлар, халқ истеъмоли буюмларининг янги намуналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди. Бу рақам йил бошидан буён яна бир мунча кўпаяди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда райондаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», темир-бетон конструкциялари заводлари, 1, 2-уйсозлик комбинати, ёғ-мой комбинати корхоналарининг коллективлари илғорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Районда биринчилар қатори ана шу корхоналарнинг коллективлари москваликларнинг ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватладилар ва беш йилликнинг якунловчи йил планларини 7 ноябргача бажариш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар.

«Таштекстильмаш» заводида КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа қизиб кетди. Меҳнат беллашувида асбобсозлик цехининг (чапдан-ўнгга) Н. Кандауров, А. Арискин, П. Осейкин, В. Дибок ва Т. Мавлонов каби ишчилари пешқадамлик қилишмоқда. Айни кунларда улар 1982 йилнинг биринчи ярми ҳисобига меҳнат қиляпти.

М. Нуриддинов фотоси.

## ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙДИ

14-рельс пайвандлаш поезди Ўрта Осиё темир йўлига ҳар йили юзлаб километр узунликдаги рельслар етказиб беради. Бу пўлат излардан Ўрта Осиёга ҳар хил станоклар, машиналар, приборлар ва халқ хўжалик юклари ташилади.

Ана шундай масъулиятли вазифаларни зиммасига олган корхона ишчилари пўлат изларни тез ва сифатли пайвандлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Корхона коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб совға — беш йиллик планни бажариш билан кутиб олди. Бунда Ю. И. Пискунов, Ю. В. Цвентух, Т. П. Бинеева, Н. К. Кондратьева, Р. Кашапов, И. Г. Чекурнов каби пайвандчи-оператор ва шлиповкачилар нинг ҳам ҳиссаси каттадир. Аҳил коллектив бу йилнинг беш ойлик планини ҳам 110,5 процент қилиб адо этди. Яқинда Москва корхоналарида илгари сурилган «1980 йил планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигигача бажарамиз» ташаббусини қувватлаб, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун якунловчи йил планини 7 ноябргача бажариш мажбуриятини олинди.

И. ФАТТОҲОВ.

## *Автомобилчилар вахтаси*

«Главташпассавтотранс» бошқармасига қарашли 2-автокомбинат шофёрлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида янада унум билан меҳнат қилиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Бугунги кунда корхонадаги 355 шофёр ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлай бошлади. Г. Харрасов, С. Медведьев, К. Тошмуҳамедов, Н. Дедемчук, А. Абдуллаев, Б. Михильсон каби шофёрлар шулар жумласидандир.

Социалистик мусобақада актив иштирок этаётган комбинат коллективи ярим йиллик планни 23 июлда муддатидан илгари бажариб, давлатга 265 минг сўм фойда топширди. Корхона коллективи «Юксак маданиятли ишлаб чиқариш корхонаси» деган номга эга. Бу ерда ҳар кунги машиналар йўловчилар хизматига ўз вақтида чиқарилади. Ўтган йилги иқтисод ва тежамкорлик бўйича корхона коллективи автомобиль транспорти министрлигининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

КПССнинг навбатдаги XXVI съездини юксак кўрсаткичлар билан кутиб олишга аҳд қилган корхона азаматлари беш йиллик планни 7 октябрда бажаришга аҳд қилиб ишлашмоқда.

### «ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

⊙ «Ленинча тинчлик байроғи» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланган.

⊙ КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан 28 июнда Совет Иттифоқига дам олгани келди.

⊙ Германия Федератив Республикасининг Федерал канцлери Гельмут Шмидт ва Федерал канцлер ўринбосари, ГФР ташқи ишлар министри Ганс-Дитрих Геншер совет раҳбарлигининг таклифига биноан бугун Москвага келади.

⊙ «Салют-6»—«Союз» илмий-тадқиқот комплексининг бундан кейинги фаолиятини таъминлаш программасига мувофиқ 1980 йил 29 июнда Москва вақти билан соат 7 дан 41 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Прогресс—10» автоматик юк-транспорт кемаси учирилди.

⊙ Навбатдаги «Халқ контроли саҳифаси», «Янгиликлар панорамаси», чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

*КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари—амалда*

## Иш суръатини жадаллаштирайлик

**«ТЕКСТИЛЬШЧИК» СОВХОЗИДАГИ ЧЎЧҚАЧИЛИК КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛИШИДА ИШ СУРЪАТИНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЛОЗИМ.**

Комплекс объектлари қурилишида иштирок этаётган шаҳардаги барча районларнинг қурилиш ташкилотлари коллективлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети июнь (1980 йил) Пленумида қилган докладини катта эътибор ва қизиқиш билан муҳокама қилдилар. Қурилиш коллективлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишмоқда, ишга тушириладиган объектларда иш суръатларини жадаллаштиришмоқда.

Куйбишев ва Собир Раҳимов районларининг меҳнатчилари чўчқахона блокларини бунёд этишда яхши меҳнат қилишяпти. Улар жиҳозларни монтаж қилиш, шунингдек бошқа махсус ишларни бажаришга ёрдамчи пудратчи ташкилотлар учун иш фронти тайёрлашмоқда.

Масалан, Собир Раҳимов райони вакиллари бўлган «Узкоопстроймонтаж» трестининг ремонт-қурилиш бошқармаси иккита чўчқахона блокида умумий қурилиш ишларини туғаллаб, девор панелларини ўрнатди. Шуниси диққатга сазоворки, бу районнинг қурувчилари бошқа районларнинг қурилиш ташкилотларидан ёрдам сўрамай, ўзларининг ресурслари билан ҳам иш унумдорлигини оширяптилар. Масалан, «Геологоразведка» заводи қисқа муддат ичида чўчқахона блокларида том ёпиш учун плиталар тайёрлаб берди. Ремонт-қурилиш бошқармасининг энг яхши ишчиларидан бўлган монтажчи Владимир Цеценов, электр пайвандчи Леонид Галкин, автокранчи Пётр Евдокимовлар графикдан ўзган ҳолда уларни монтаж қилиб бўлишди. Республика транспорт қурилиши министрлигига қарашли марказлашган усулда юк ташиш трестининг 127-автобазаси ҳайдовчилари монтажчиларга яқиндан ёрдам бердилар.

Назоратчиларнинг ҳам самарали ёрдам бераётганлиги бу райоНнинг бунёдкорлар бригадалари ютуқларида акс этмоқда. Халқ контроли район комитетининг раиси С. Туляев бошчилигида назоратчилар район корхоналари ва қурилишларида йиғма темир-бетон буюмларидан самарали фойдаланишнинг аҳволи бўйича рейд ўтказишди.

Ҳар куни объектда халқ контроли ва «Комсомол прожектори» варақаларининг янги сонлари чиқиб турибди. Унинг саҳифаларида бу улкан қурувчилар отряди ишида бошқаларга халақит бераётган ташкилот, ва бу нуқсонларнинг сабаблари аниқ кўрсатилмоқда.

Чўчқачилик комплекси қурилиши бўйича шаҳар штабининг Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети секретари Б. Ғ. Халилов раислигида бўлиб ўтган йиғилишида социалистик мусобақа пешқадамлари билан бирга қолоқларнинг номлари ҳам айтиб ўтилди. «Энергострой-индустрия» (бош директори А. Стодольский) ишлаб чиқариш бирлашмаси таъминотчилари қурилиш қатнашчиларини етарли миқдорда материаллар билан таъминламаяпти. Натижада объектда кўпгина ишчи кучи ва механизмларнинг бекор туриб қолиш ҳоллари юз берди. Бирлашма девор панелларни етказиб бериш графигини бузди.

Штаб йиғилишида барча районларнинг раҳбарларига объектда иш графикларини қайта кўриб чиқиш, бу муҳим халқ хўжалиги объекти қурилишини жадаллатиш бўйича иш суръатларини ошириш таклиф этилди.

## ПЕДАГОГЛАР ФИКР АЛМАШМОҚДАЛАР

БУГУН

**Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига қарашли пўлат изларнинг меҳнаткашлари фарзандлари таълим оладиган мактабларнинг ўқитувчилари Тошкентда тўпландилар.** Улар анжуманда ўқув-тарбия ишлари бўйича тажрибаларни ўртоқлашмоқдалар, КПСС XXV съездининг тарихий аҳамияти ҳақида, идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича қатор лекцияларни тинглашмоқдалар.

Педагоглар А. Макаренко ва В. Сухомлинскийларнинг бой ижодий мероси ҳақида қизғин суҳбатлашдилар.

## ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН БАЙРАМ

Кеча

**Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида Совет ёшлари кунига бағишланган «Биз лар бошлаганмиз, сизлар давом эттирасиз» номли катта театрлаштирилган байрам тантанаси бўлиб ўтди.** Байрам программасининг «Сен бахт нималигини биласанми?» қисмида ёшлар Абдулла Набиев ва биринчи беш йиллик қаҳрамонлари билан учрашдилар. Қаҳрамонлар ролини ёш томошабинлар театрининг актёрлари ижро этишди.

«Биз «аъло»га қурамиз» қисми эса студент-қурилиш отрядлари фаолиятига бағишланган бўлиб, унда отрядларнинг вакиллари бу йилги меҳнат семестридаги режалари ҳақида сўзлаб беришди.

Шунингдек, ёшлар кийими намойиши, спорт мусобақалари, маданият уйлари қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг чиқиши байрам иштирокчиларида завқли таассурот қолдирди.

## ЖИЗЗАХГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Куйбишев райони корхоналари, қурилиш ташкилотлари ишчи, ҳайдовчиларидан тузилган ҳашарчилар бригадаси

БУГУН

**Жиззах областининг Ғаллаорол райони хўжаликларига жўнаб кетди.**

Бригада составида автолетучкалар, пайвандлаш агрегатлари билан бирга ГАЗ-52, ГАЗ-66 юк машиналари, сув ва бензин ташийдиган автомобиллар бор.

Бригада аъзолари ўн-ўн беш кун мобайнида деҳқонлар оғирини енгил қилиб, жиззахликлар етиштирган ғалла ҳосилини йиғиб-териб олишдек шарафли ишда қатнашдилар.

● *Олимпиада саҳифасидан*

## АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимиз қиличбозлари орасида биринчи бўлиб Олимпиада чемпиони унвонини рапирачи қизларимиз қўлга киритишди. 1956 йили Лондонда ўтказилган жаҳон биринчилигида улар фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар. Ана шундан кейин улар ўн бир марта команда ҳисобида, ўн марта шахсий ҳисобда ғолиб чиқишди.

Умуман олганда қиличбозлик спорти бўйича италияликларнинг маҳорати жуда устун. Улар 1960 йилга қадар олти марта команда ҳисобида Олимпиада чемпиони унвонини қўлга киритишган. Шунингдек, шахсий ҳисобда ҳам олти марта шу мамлакатнинг вакили чемпион бўлган. Ҳар сафар фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига янги спортчи кўтарилган. Яъни бир спортчи икки марта Олимпиада чемпиони бўлиш бахтига муяссар бўлмаган. Бундай бахтга венгриялик қиличбоз Ене Фукс муяссар бўлган. У тўрт марта Олимпиада чемпиони унвонини қўлга киритган. 1964 йилда Токиода бўлган Олимпиада ўйинларида чемпионлик учун бўлган баҳсда мамлакатимиз қиличбозлари ҳам қатнашдилар. Дастлабки қадам омадли бўлди. Нугзар Асатиани, Умар Мавлихонов, Борис Мельников, Марк Ракита, Яков Рильскийлардан ташкил топган терма командамиз шамшир бўйича илк бор Олимпиада чемпиони унвонини қўлга киритди. Мехико ва Монреалда ўтказилган Олимпиада ўйинларида ҳам қиличбозларимиз ўз муваффақиятларини такрорладилар. Мюнхенда шахсий ҳисобда Виктор Сидяк чемпион бўлди. XXI Олимпиада ўйинларида эса фахрий шоҳсупанинг барча поғоналарига мамлакатимиз қиличбозлари кўтарилди. Биринчи ўринни Виктор Кровопусков, иккинчи ўринни Владимир Нозлимов, учинчи ўринни Виктор Сидяк эгаллади.

Монреалда шунингдек, рапирачи қизларимиз ҳам ўзларини кўрсатишди. Елена Белова, Валентина Сидорова, Ольга Князева, Наиля Гилязова Олимпиада ўйинларининг олтин медали билан тақдирланди. Рим, Мехико ва Мюнхенда ўтказилган Олимпиада ўйинларида ҳам қиличбозларимиз биринчи ўринни қўлдан беришмади.

Ҳозир барча мамлакатларда қиличбозлик спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ҳар бир команда составида юксак маҳоратга эга бўлган спортчилар бор. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз терма командасининг устозлари Москвада бўладиган XXII Олимпиада ўйинларида қатнашадиган энг маҳоратли спортчиларни аниқлашга ва уларни мусобақаларга тайёрлашга алоҳида эътибор беришмоқда. Яқинда Москвада ўтказилган мамлакат биринчилигида Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган қиличбозлар аниқлаб олинди. Уларнинг орасида шамширчилардан Владимир Нозлимов, Виктор Кровопусков, Александр Романьков, Собир Рўзиев ва бошқа умидли рапирачилар бор. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Собир Рўзиев Олимпиада ўйинларида спортнинг рапира тури бўйича иштирок этган республикамиз нинг дастлабки вакили бўлади. Шу боисдан ҳам республикамиз д а г спорт мухлислари унга умид билан қарашмоқда.



Марказий армия спорт клубининг Олимпиада спорт комплексида қиличбозлик бўйича ўтказилган мамлакат биринчилиги баҳсларида тошкентлик рапирачи Собир Рўзиев катта муваффақиятни қўлга киритди. 27 ёшга тўлган куни у фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Собир Рўзиев киевлик В. Смирнов ва жаҳон чемпиони А. Романьков билан бирга Москвада бўладиган Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

А. Яковлев фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

## Ишга тушириладиган объектлар вақтида фойдаланишга топширилсин

1980 йилда ишга тушириладиган объектларнинг сўзсиз фойдаланишга топширилишини таъминлаш юзасидан тадбирлар пойтахтнинг Октябрь райони партия активи йиғилишида муҳокама этилди. Йиғилишда Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Х. Х. Тошхўжаев доклад қилди. Кун тартибидаги масала юзасидан бўлган музокарада сўзга чиққан «Ташинжстрой» тресті бошқарувчиси А. А. Абдуқодиров, «Ташгипрогор» институти партия ташкилотининг секретари В. Б. Хинц, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Ш. Холмуҳамедова, «Жилстрой» тресті бошқарувчиси А. А. Кашипов ва бошқалар партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари қурувчиларнинг якунловчи йил ва умуман беш йиллик топшириқларининг сўзсиз бажарилишига сафарбар этилаётганлиги тўғрисида гапирдилар, капитал қурилишда фойдаланилмаётган имкониятлар ва камчиликларга эътиборни қаратдилар, қурилиш ишлаб чиқаришининг янги имкониятлари тўғрисида сўз юритдилар.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Бу қарорнинг бажарилиши беш йилликнинг якунловчи йилида ишга тушириладиган объектларнинг ҳаммасини фойдаланишга топширишни таъминлаш имконини беради.

## телетайп лентасидан

⊙ ПРАГА. Шарқий Словакиянинг Кошице шаҳридаги металлургия комбинатида Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан учинчи кокс батареяси қурила бошланди.

Советлар мамлакатининг ёрдами билан барпо этилган ва яқинда ўзининг йигирма йиллигини нишонлаган корхонада ишлаб чиқариш тубдан модернизация қилинмоқда. Пўлатни узлуксиз қуйиш учун неракли установкаларни қуриш давом эттирилмоқда. СССР бунинг учун асосий машина-ускуналарни етказиб бермоқда. Бу машина-ускуналар ўзининг параметрлари жиҳатидан жаҳондаги энг яхши нусхаларга мос бўлиб тушади.

⊙ ПАРИЖ. Франция журналистларидан 300 га яқин киши бу ерда полициянинг матбуот вакилларига нисбатан шафқатсиз муомаласига қарши норозилик юриши ўтказди. Полициячилар яқинда намойишни тарқатиб юборган пайтда шу намойиш ҳақида ёзган мухбирлар ва фотографлардан бир неча кишини қаттиқ калтакладилар. Журналистлар делегацияси ички ишлар министри Кристиан Бонне билан учрашди. Министр «Полиция билан матбуот вакиллари ўртасидаги муносабатларни қонунийлаштирамиз» деб ваъда берди. Аммо журналистлар полициянинг бебошлигига қарши маъмурларнинг қатъий чора кўришларини талаб этдилар.

⊙ ВАШИНГТОН. Американинг машҳур экономисти Ж. Пенн тайёрлаган махсус тадқиқотга кўра, АҚШда бу йил гўшт маҳсулотларининг нархи ўрта ҳисобда 8,5 процент ортади. Пеннинг фикрича, инфляция суръатларининг тез ўсиб бораётганлиги ва мамлакат умумий иқтисодий аҳволининг ёмонлашганлиги озиқ-овқат маҳсулотлари кескин равишда қимматлашганлигининг асосий сабабидир.

⊙ СОЛСБЕРИ. Зимбабве бош министри Р. Мугабе мамлакатнинг блокларга қўшилмаслик ва жаҳондаги барча мамлакатлар билан дўстлик сиёсатига содиқ эканлигини таъкидлади. У парламентда сўзлаган нутқида Африкадаги бу янги давлат ўзининг дипломатик алоқаларини ғоят кенгайтиришга интилади, деди.

Бош министр ... бабве ҳукумати ... бий Африка Рес... касида ирқчилик ... тибларига чек қў... экан, бу респ... билан дипломатия... сабатларини ў... ниятида эмас, д... тириб ўтди.

(Т...

# ПАРТИЯ ГРУППАСИ ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

## ЙИЛНИНГ АСОСИЙ ЙИҒИЛИШИ

И. ЧИЖЕНОК,
**Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий бўлимининг мудири.**

Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан навбатдаги ҳисобот-сайлов кампаниясига актив тайёргарлик ишлари бошланди. Ҳисобот-сайловларда вақтнинг ўзи таъсирини қолдиради: чунки бу йил — ленинча юбилей йили, Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 35 йиллиги, ўнинчи беш йиллик якунланадиган йилдир.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980 йил) Пленуми, ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси катта тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган доклади, КПССнинг навбатдаги XXVI съездини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги барча совет кишилари қатори Тошкент коммунистлари, барча меҳнаткашларининг ижодий куч-ғайратларини янада ошириб юборди.

Тошкентликлар партия планларининг бажарилишига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишга, меҳнатга чинакамига ватанпарварлик муносабатида бўлиш намуналарини кўрсатиб, коммунистик жамият қурилишининг олдинги сафларида боришга интилмоқдалар.

26 июнда Тошкент индустрияси маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича ярим йиллик планни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди, планга қўшимча равишда 30 миллион сўмликка яқин, беш йиллик бошидан буён эса, 370 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Шаҳардаги олтита район маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати бўйича беш йиллик топшириқни бажарди.

Капитал қурилишнинг негиз планлари, шаҳар халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш умуман муваффақиятли адо этилмоқда.

Шу билан бирга, ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик кўриб, қилинган ишларга муносиб баҳо бериб, шаҳар партия ташкилотлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980 йил) Пленумида айтган: **«ҳисобот-сайлов кампанияси зиммамизга партия ташкилотларининг партия XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишини қайта-қайта ҳар томонлама таҳлил этиш вазифасини юклайди. Янги съездга тайёргарлик кўриш — коммунистларнинг ҳам, шунингдек партиясизларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини юксалтиришнинг қудратли воситасидир»** сўзларига амал қилади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, олдинги йилларда бўлганидек, Ўзбекистон пойтахтини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби шаҳрига айлантиришга қаратилган янги-янги ажойиб ташаббуслар айтиладиган минбарга айланади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада кўтариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашёлардан, биринчи навбатда металл ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни тарбиялашга комплекс ёндошишни амалга ошириш, ташкилотчилик ишларини такомиллаштириш каби масалалар йиғилишда қатнашчиларнинг диққат-марказида турарди.

...мократик централизм принципларига мувофиқ, ҳисобот ва сайлов партия группаларидан бошланади, ...партиянинг айнан шу қуйи звенолари сиёсий ва ташкилий ишларга дастлабки якунлар ясалади.

Партия группалари фаолиятининг хусусияти шундаки, улар иш юзасидан ҳар бир иш жойига яқин турадилар, демак, улар планлар ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига, барча ишлар самарадорлиги ва сифатини оширишга муттасил ва аниқ таъсир кўрсатадилар.

Шуниси диққатга сазоворки, шаҳар партия ташкилотлари структурасини такомиллаштириш йўлида кунт билан иш олиб борилганлиги туфайли партия группаларининг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. КПСС XXVI съездидан кейинги ўтган даврда янгидан 484 та партия группаси тузилди ва уларнинг сони ҳозирда шаҳримизда 2728 тага етди.

2 июлда шаҳардаги партия группалари ташкилотчилари район партия комитетларида ўтказиладиган семинарларга йиғиладилар. Семинарларда ҳисобот ва сайловлар билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар синчиклаб муҳокама этилади. Улар учун докладлар қилинади, тўпланган иш тажрибалари ўртоқлашилади.

Шаҳар партия ташкилотларида тўпланган иш тажрибаларига мувофиқ, ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик масалалари кенг актив иштирок этган партия комитетлари ва партия бюроларининг мажлисларида кўриб чиқилади, партия группалари ва цех ташкилотларида ўтказиладиган йиғилишлар муддати белгиланган аниқ тадбирлар ҳамда қуйи ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш тадбирлари ҳар бир бандининг бажарилиши учун масъул кишилар тасдиқланади. Йиғилишларга тайёргарлик юзасидан тадбирлар цех партия ташкилотлари ва партия группаларида ҳам тузилади. Бу шу йилнинг асосий йиғилишларига асосли, шошилмасдан, ҳамма коммунистларни актив жалб этиб тайёргарлик кўриш имконини беради.

Ҳисобот-сайлов йиғилишининг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан докладчига боғлиқдир. Партия группа ташкилотчиси докладга тайёргарлик кўрар экан, коммунистлар билан маслаҳатлашади, аксарият группаларда бу иш билан бирмунча обрўли, ишлаб чиқариш фаолияти, ғоявий-сиёсий, ташкилий ишларни чуқур биладиган қобилиятли коммунистлар шуғулланадилар.

Шу билан бирга, ана шу коммунистларгина эмас, балки партия группасининг ҳамма аъзолари йиғилишга актив тайёргарлик кўришлари, таклифлар киритишлари, ўз ишлари ҳамда партия группаси ташкилотчиси, умуман группа ишини таҳлил этишлари керак.

Йиғилиш қатнашчиларининг докладчидан фақат ишлар ҳолатини объектив таҳлил қилиб беришинигина кутмасликлари ўз-ўзидан маълум. Улар камчиликларни бартараф этиш учун нималар қилиниши кераклигини, коллектив янада яхши ишлаши, якунловчи йил ва умуман беш йиллик топшириқлари ҳамда мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун нималар қилиниши кераклигини ҳам эшитишни истайдилар.

Танқидий ёндошиш ҳам муҳим. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида ишдаги камчиликларни бартараф этишда танқид ва ўз-ўзини танқид муҳим роль ўйнаяжаги яна бир бор таъкидланади.

Ўтган йилги ҳисобот-сайлов йиғилишларида 3 мингга яқин таклиф ва танқидий мулоҳазалар айтилган эди. Буларнинг бир қисми тезда, «қизиғида» амалга оширилди. Қолганларининг бажарилиши учун тадбирлар тузилди, аниқ ижрочилар белгиланди.

Группаларнинг партия йиғилишларида меҳнат коллективининг ҳаёти ҳар томонлама таҳлил этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир коммунистнинг ўзини ҳаяжонлантирган ҳар қандай масала устида тўхталиб ўтиши тушунарли, лекин йиғилишга тайёргарлик кўриш пайтида агар партия группаси ташкилотчиси, унинг ўринбосари, айрим коммунистлардан ўз сўзларида бирон-бир аниқ, актуал масала устида бирмунча асосли ва чуқурроқ тўхтаб ўтишини олдиндан илтимос қилса, тўғри ва мақсадга мувофиқ иш қилинган бўлур эди.

Партия йиғилишларида кўпинча ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ҳақида фахрланиб гапирадилар. Ҳар бир коллективдаги мавжуд энг яхши кишиларга тенглашишга даъват этадилар. Шуни айтиш кифояки, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига тошкентликлардан 45 минг киши беш йиллик топшириқларини бажарди, беш мингдан ортиқ меҳнаткаш эса — икки беш йиллик топшириғини уддалади. Уларнинг тажрибаларини очиб бериш, ниманинг ҳисобига рекорд натижаларга эришганликларини, улардан нималарни ўрганиш, қайси тажрибаларини қабул қилиш кераклигини кўрсатиб бериш зарур.

Одатда музокарада сўзга чиққанлар сони чекланмасликка ҳаракат қиладилар. — бу ҳар бир коммунистнинг фикрини эшитиш имкони мавжуд бўлган партия группаларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари учун айниқса тўғридир. 1979 йилда шаҳар бўйича музокараларда ҳисобот-сайлов йиғилишларида қатнашган икки коммунистнинг бири сўзга чиқди.

Айниқса, ҳисобот-сайлов йиғилишининг қарори ҳақида тўхталишга тўғри келади. Фақат партия группаларининг аниқ вазифаларинигина кўрсатиш билан чекланиб қолмай, балки бу вазифаларни амалга ошириш имкониятларини ҳисобга олган, бажарилиш муддати ва масъул кишилар белгиланган қароргина ўзи олдига қўйган мақсадга жавоб бера олади. Умумий сўзлардан ташкил топган қарордан ҳар қандай партия ташкилотининг, айниқса партия группаси каби кичик коллективда иш программаси сифатида фойдаланиш қийин. Ҳисобот юзасидан қабул қилинган қарорда партия группаси ташкилотчиси фаолиятига баҳо бериш билан бирга, одатда йил мобайнида қилинган ишларнинг ижобий якуни ва камчиликлар қисқача кўрсатиб ўтилади, қайси муддатда амалга оширилиши керак бўлган аниқ вазифалар кўрсатиб берилади. Йиғилиш қабул қилган қарор партия группасининг олиб борадиган ҳамма ишлари КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олишга қаратилган аниқ программа бўлиши керак.

Йиғилиш давомида яхши қарор тайёрлаш қийин, шунинг учун партия группаси ташкилотчиси бу ишга коммунистларни олдиндан жалб этса, бир неча ўртоқларга йиғилиш қабул қилган қарор лойиҳасида ҳисобга олиниши ва қарорга киритилиши мумкин бўлган таклифлар тўғрисида ўйлаб кўришни топширса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Йиғилишда қарор лойиҳасини муҳокама қилишда коммунистлар ўз тузатишлари ва қўшимчаларини киритишлари учун кенг имконият яратиб берилишини таъминлаш зарур. Шундан кейин партия группаси ташкилотчиси ён дафтарига ёзиб олиб, йиғилиш қабул қилган қарорнинг бажарилиши, коммунистлар томонидан киритилган таклиф ва танқидий мулоҳазаларнинг амалга оширилиши тўғрисида вақти-вақти билан ахборот бериб туриши керак.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланишига бир ярим ойча вақт қолди. Тошкент партия ташкилотлари унга тайёргарлик кўриб, КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, бутун куч-ғайратларини ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини бажариш ва ошириб бажаришга, ишга тушириладиган объектларнинг вақтида фойдаланишга топширилишига сафарбар этади.

---

Беш йилликнинг якунловчи йилида Тошкент коммунистлари, барча меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турибди. Шаҳарнинг меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллаб, КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтада турди. Съезд олди мусобақасида коммунистлар намуна бўлишяпти.

Меҳнат коллективларидаги бўлажак партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида мамлакат коммунистларининг катта анжуманига қандай тайёргарлик кўриш, партия XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик планларини амалга ошириш ҳақида сўз боради. Ўтган йиллардагидек, ҳисобот ва сайловлар меҳнат коллективлари орасида иш олиб борадиган звено — партия группаларидан бошланади.

Шаҳарнинг кўпчилик партия ташкилотлари шу кунларда ҳисобот ва сайловларга актив тайёргарлик кўра бошлашди. Бугун эълон қилинаётган материалларнинг авторлари бу ишни қандай қилиб яхши амалга ошириш, ҳисобот ва сайловларни муваффақиятли ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз юритадилар.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида асбобсозлик цехининг токари В. М. Клепининни яхши билишади. Уз касбининг устаси, ёшлар мураббийси бўлган Виктор Михайлович Тошкент область партия комитетининг аъзоси, ўз участкасининг партия группаси ташкилотчиси сифатида катта жамоат ишларини бажармоқда.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) В. М. Клепинин ишлаб чиқариш илғорлари В. Н. Кандауров, М. Ф. Рахвалов ва А. Гаврилов билан техника янгилигини муҳокама қилишяпти. М. Нуриддинов фотоси.

**«...ҳисобот-сайлов кампанияси зиммамизга партия ташкилотларининг партия XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишини қайта-қайта ҳар томонлама таҳлил этиш вазифасини юклайди, Янги съездга тайёргарлик кўриш — коммунистларнинг ҳам, шунингдек партиясизларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини юксалтиришнинг қудратли воситасидир».**

Л. И. БРЕЖНЕВ.

## Муваффақият омили

Ф. ҒУЛОМОВ,
**«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия группаси ташкилотчиси, бўлим мудири.**

Бугунги кунда бирлашмамизда 14 партия группаси мавжуд. Бўлимимизнинг партия группаси юксак малакали мутахассислар коллективидан иборат. Бу коллектив энг мураккаб техник ва ташкилий масалаларни ҳал этади. Коммунистлар ишда юзага келадиган қийинчиликлар ва турли нуқсонларни дарҳол бартараф этиш ҳаракатига тушишади, юксак унумли меҳнат учун қулай шароитлар яратишади. Масалан, зарур ишларни бажариш учун бўлимга магнит лентаси зарур эди. Унинг келишини кутиш эса, вақтни бой бериш демак эди. Шунда партия группаси коммунистлари одатдаги технологияни қайта кўриб чиқдилар. Натижада ишни бажариш учун вақт тежалди, камёб магнит лентасига эҳтиёж камайди.

Коммунистлар партиясизларга намуна кўрсатиб, шахсий ижодий планлар ишлаб чиқишди. Бунда меҳнат унумдорлигини ўстириш, юксак сифатли меҳнат қилиш кўзда тутилди. Коммунистлардан бўлимнинг бошқа ходимлари намуна олишди. Шахсий планлар бутун коллективнинг комплекс плани билан мустаҳкам боғланган.

Бўлимда социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Унга коммунистлар бошчилик қилишяпти. Партия группаси уларнинг коллективнинг барча ишидаги авангардлик ролини ошириш ҳақида ғамхўрлик қиляпти.

Коммунистларнинг ғамхўрлиги фақат ишлаб чиқариш ташвишлари билан чегараланмайди. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, партия группаси унинг самарадорлигини оширишга интиляпти. КПССнинг ҳар бир аъзоси бизда сиёсий ўқишда актив қатнашяпти, коллективни жипслаштир и ш г а, унинг социал ва меҳнат активлигини оширишга зўр эътибор беряпти. Натижада меҳнат интизомини бузиш ҳоллари аслида йўқ бўлди, ҳар бир ходим жамоат ишларида фаол қатнашади. Бизнинг коммунистларимиз З. Аҳмедова, В. Гладков, А. Рашидов ва бошқалар юксак интизомлилик, уюшқоқлик, ишга масъулият билан ёндошиш намуналарини кўрсатишяпти.

Бизнинг партия группамиз шуғулланиши лозим бўлган масалаларни ҳаётнинг ўзи, кундалик воқеалар олдинга қўймоқда. Масалан, коллектив олдида янги ишлаб чиқариш вазифалари кўндаланг бўлганда, партия аъзолари кишиларни бу вазифаларни бажаришга жалб этишади, биринчи бўлиб ташаббус кўрсатишади, тажрибани ёйишади.

Партия группаси барча ишларда бўлим ходимларининг иштироки ва қўллаб-қувватлашини сезади. Бу муваффақият гаровидир. Бутун коллективнинг яхши меҳнат қилиши кўп жиҳатдан партия группаси, ҳар бир киши қандай иш олиб бораётганига боғлиқ. Бу ерда онгли интизом, топширилган ишга виждонан муносабат, бутун бўлимнинг иш натижаларига бўлган масъулиятга асосий эътибор қаратилади. Биз якка-якка суҳбатлашиш сингари иш формасидан ҳам самарали фойдаланяпмиз. Ишнинг бу формаси биринчи навбатда ишлаб чиқариш топшириқларини ва жамоат ишларини ёмон бажараётган кишиларга нисбатан қўлланилади.

## КУНДАЛИК ТАЪСИРЧАНЛИК

А. СКОРОБОГАТЧЕНКО,
**«Халқлар дўстлиги» майдонини комплекс реконструкциялаш бўйича мувақкат партия группасининг ташкилотчиси, «Висотстрой» трестига қарашли 41-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи.**

Бизнинг мувақкат партия группамиз деярли 40 га яқин қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коммунистларини бирлаштирган «Халқлар дўстлиги» майдонида қурилаётган объектларда икки мингга яқин бунёдкор иш олиб бормоқда. Партия группасини ташкил этишдан мақсад ҳар бир коллективга партиявий раҳбарликни кучайтиришдан иборат эди.

1978 йилнинг апрель ойида кино-концерт зали қурилишида ишлаётган олтита ташкилотнинг 28 коммунистидан иборат мувақкат партия группаси ташкил этилди. Унинг фаолияти қурилишнинг боришида акс этиб турди. Агар илгари ҳар бир коллектив ўз иши билан банд бўлиб, бошқа ишлар билан қизиқмаган бўлса, эндиликда улар ёнма-ён ишлаётган бошқа ташкилотларнинг вакиллари қандай иш бажараётганлигига ҳам эътибор қаратмоқдалар. Иш миқёсларини мувофиқлаштириш, мавжуд камчиликларни ўз пайтида бартараф этишга ҳаракат қилиняпти. Партия группасининг йиғилишларида ҳал қилиш лозим бўлган муаммолар, техника хавфсизлиги ҳолати, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, ёрдамчи пудратчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги бўйича масалалар муҳокама этилади.

Ўтган йилнинг бошларида комплекс қурилишида янги ташкилотлар иш бошлади. Уларнинг илгаридан иш олиб бораётган қурувчилар билан ҳамкорликда, бир-бирига халақит бермасдан ишлашини таъминлаш масаласи келиб чиқди. Ана шунда мувақкат партия группаси сафини кенгайтиришга қарор қилинди.

154 коммунист иштирок этган дастлабки йиғилишда 9 кишидан иборат бюро сайланди. Бюро йиғилишида эса партия группасининг ташкилотчиси қайта сайланди. Кучларни бўлиб юбормасдан уни асосий проблемани ҳал этишга каратиш, коммунистлар ҳар томонлама биринчи даражали аҳамият бериши тақозо этиладиган ишларга эътибор бериш асосий вазифа қилиб белгиланди.

Бизнинг йиғилишларимизда одатда барча коллективларда иш қандай кетаётганлиги, мавжуд қийинчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш учун қандай тадбирлар белгиланганлиги муҳокама этилади. Масалан, кейинги бўлиб ўтган йиғилишда бу муҳим объектлар қурилишида ишларни тезроқ тугаллаш масаласи муҳокама этилди. Ишни тугаллаш лозим бўлган ташкилотларнинг барча раҳбарлари сўзга чиқдилар ва йўл қўйилаётган қолоқлик белгиланган графикда бартараф этилишига партия йиғилиши қатнашчиларини ишонтирдилар.

Муҳим участкада меҳнат қилаётган коммунистларимиз кўп сонли қурувчиларга доимо ибрат бўлишяпти. Улар яхши ташаббуслар билан чиқишмоқда. Группа коммунистларининг бундай хайрли ишлари ҳақида кўп ҳикоя қилиш мумкин. Свердловсклликларнинг «Кам ишчи кучи билан кўп иш бажариш» бўйича ташаббусни икки коммунистик меҳнат бригадаси кенг қўллаб-қувватлади. Улардан бири 1978 йили беш йиллик топшириқни бажарган, бутунлай ёшлардан иборат коммунист М. Ҳабибуллаев бошчилик қилаётган бригададир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Қорабоев бошлиқ бригада аъзолари ҳам улардан қолишмаяпти.

Партия группаси қурилиш-монтаж ишларининг сифатига алоҳида аҳамият беряпти.

Халқ назорати активистлари ҳам бу борада жуда катта ёрдам беряптилар. Назоратчилар фақатгина хўжасизлик ҳолларини бартараф этишгагина эмас, уларни вужудга келтираётган сабабларни аниқлашга ҳам ҳаракат қиляптилар.

Қурувчилар учун зарур дам олиш ва иш шароитларини яратиш ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳам партия группасининг доимий эътиборида турибди.

«Халқлар дўстлиги» саройи деб ном олган кино-концерт залини муддатидан илгари ишга тушириш учун бутун куч-қувватни сафарбар этамиз.

**СУРАТДА: партия группаси коммунистлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини муҳокама қилишмоқда: (чапдан ўнгга) «Висотстрой» тресги бригада бошлиғи М. Ҳабибуллаев, 1-пардозлаш тресги 28-қурилиш бошқармасининг сувоқчилар бригадаси раҳбари Г. Тарасов, ғишт терувчи А. Муминов, партия группаси ташкилотчисининг ўринбосари А. Мелкумов, ғишт терувчи А. Мемрик.**

**М. Нуриддинов** фотоси.

## ПАРТИЯ ЕТАКЧИСИ ЁН ДАФТАРИГА

**Табиийки ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш арафасида партия активистларида кўпгина саволлар туғилади. Қуйида биз тез-тез учраб турадиган ана шундай саволларга жавоб қайтарамиз.**

∴ ∴ ∴

**Айтингчи, очиқ ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш мумкинми?**

**Р. МЕЗЕНЦЕВ.**

Ҳисобот докладини муҳокама қилиш ва партия группаси етакчисини сайлаш ички партиявий ишдир. Шу боисдан ҳисобот-сайлов йиғилишлари группаларда ёпиқ ҳолда ўтказилади. Бундай йиғилишларни ўтказиш учун раис ва секретарь сайланади, агар группада уч-тўрт киши бўлса — фақат раис сайланади.

∴ ∴ ∴

**Партия группаси етакчиси сайловлари пайтида яширин овоз бериш керакми, бунинг учун албатта бир йиллик партия стажига эга бўлиш лозимми?**

**В. РЕЗНИЧЕНКО.**

Партия группаси етакчисини сайлаганда, зарур бўлиб қолган ҳолларда унинг ўринбосарини сайлаганда коммунистларнинг хоҳиши бўйича бундай сайловлар очиқ ёки ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан ўтказилиши мумкин. Бунда катта бўлмаган партия ташкилотларида ҳисоб комиссияси сайланмайди, овоз бериш якунлари эса раис томонидан ҳисобланади ва у умумий протоколга киритилади.

КПСС Уставига мувофиқ бир йиллик стаж фақат бошланғич ва цех партия ташкилотларининг секретарлари учун мажбурийдир. Бироқ, партия группаси ва унинг ўринбосарини сайлаш чоғида уларнинг амалий иш тажрибаларини, ахлоқий сифатларини, коллективдаги обрў-эътиборини, кишилар билан ишлаш қобилиятини ҳисобга олиш керак.

∴ ∴ ∴

**Корхоналарнинг айрим цехларида цех партия ташкилоти, бошқа цехларида партия группалари бўлиш мумкинми?**

**А. ПАРПИЕВ.**

Бошланғич партия ташкилотининг бундай структурасини тўғри деб ҳисоблаб бўлмайди: агар цех ташкилоти ташкил этилса, бундай ҳолларда барча цехлар ва бундай цехларга тенг бўлган бўлинмаларда (бўлимлар, лабораториялар ва ҳоказо) партиянинг уч ёки ундан ортиқ аъзоси бўлса, группалар эмас, балки ташкилотлар тузилади. Бундай ҳолларда партия группалари ана шу цех ташкилотларининг ичида ташкил этилиши мумкин.

∴ ∴ ∴

**Мувақкат партия группаларини тузиш мумкинми?**

**З. ГЕДЕШКО.**

Ишнинг манфаатларини назарда тутиб у ёки — бу участкада мувақкат, яъни маълум бир муддатга мўлжаллаб партия группаси тузиш мумкин. Бу нарса агрегатларни монтаж қилиш, қурилиш объектларини фойдаланишга топшириш, мавсумий ишларни ўтказиш — баҳорги ишлар ёки ҳосилни йиғиб олиш кампаниясини ўтказиш билан, пионерларнинг ёзги лагерларини ташкил этиш, болаларнинг соғломлаштириш кампанияларини ўтказиш ва шунга ўхшаш вазифаларни бажариш билан боғлиқ пайтда мувақкат партия группаси тузилиши мумкин. Масалан, бундай группалар қурилиш майдонларида, дала шийпонларида, ғалла ҳосилини ташиётган автоколонналарда тузилиши мумкин. Мувақкат бундай партия группалари доимий группалар сингари партия бюроси, партия комитетининг қарори билан тузилади. Шуни ҳам айтиш керакки, зарур бўлиб қолган ҳолларда мувақкат партия-комсомол группаларини тузиш практикаси ҳам мавжуддир.

∴ ∴ ∴

**Партия группаси йиғилишларида протокол тузиладими?**

**Н. МЕРЛИН.**

Бу нарса биринчи галда муҳокама этилаётган масаланинг муҳимлиги ва унинг партия группаси ва умуман партия ташкилотининг келгуси ишларида аҳамият касб этишига боғлиқдир. Бир қатор ҳолларда протоколлар тўлдириш ўзини оқлаган ва мақсадга мувофиқ бўлади. Одат бўйича партия группаларида протоколлар фақат ташкилий ва ҳисобот-сайлов йиғилишларида тўлдирилади, бошқа йиғилишларда эса партия группаси етакчиси протокол ўрнига ён дафтарига ёзувларни (ким сўзга чиққани, қандай таклифлар киритилгани, топшириқларнинг бажарилиш вақти ва ҳоказо) қайд қилиб боради.

∴ ∴ ∴

**КПС аъзолигига кандидатликка ёки аъзолигига қабул қилинганлик ҳақидаги кимнинг қарори партияга кирувчининг анкетасига ёзилади: парткомнинг қарорими ёки цех, бригада бўлими коммунистлари умумий йиғилишининг қарорими?**

**Б. РЎЗИЕВ.**

Анкетага парткомнинг қарори эмас, балки бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишининг қарори ёзилади. Анкетага ёзишнинг бундай тартиби белгиланганлигига сабаб шуки, партияга аъзо бўлиб кирувчиларнинг партия стажи, КПСС Уставида кўзда тутилганидек, бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилиши партия аъзолигига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## ОЛДИНДА ИШЛАР КЎП

О. СТАДНИКОВА,
**В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 35-цехи электр устахонаси партия группаси ташкилотчиси.**

Мен партия группорги сифатида яқинлашиб келаётган ҳисобот-йиғилишида доклад қилишим керак. Ютуқ ва нуқсонлар ҳақида ҳикоя қилишим, хулосалар чиқаришим, юксак натижаларга эришаётган коллектив нимаси билан кучли эканлигини анализ қилишим керак. Менимча, биринчи навбатда масъулияти, касб маҳорати, интизоми, ўзаро ҳамкорлиги билан кучли.

Бу беш йилликда бизнинг олдимизга кўпгина катта ва қийин вазифалар қўйилган. Устахонамиз 1978 йилда янги маркадаги симларни ишлаб чиқаришга ўтди. Бу технологияни янгитдан ўзлаштириш, иш ҳажмини ошириш демак эди.

Партия группаси меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формасини такомиллаштиришга, хўжалик ҳисобини жорий этишга муҳим аҳамият беряпти. Электр устахонасида бригадаларнинг ярмидан ортиғи бригада пудратига ўтказилган.

Партия группалари ишида кадрларнинг мустаҳкамланиб қолиши масаласи катта ўрин тутади. Коллективнинг асосий состави ёшлардир, биз коммунистлар, мураббийлар улар учун жавобгармиз.

Биз ўз йиғилишларимизда фақат ишлаб чиқариш масалаларинигина ҳал этаётганимиз йўқ. Коммунистлар ҳаммани ягона оилага жипслаштириш масаласини кўп мартаба муҳокама қилишган. Ишчиларни туғилган куни, ўқув йилини муваффақиятли тугаллаганлиги билан табриклашни одат қилишди, кино ва театрларга коллектив бўлиб боришни ташкил этишди. Бундай тадбирлар устахонада ўзаро муносабатнинг яхшиланишига ёрдам берди, партия группамиз обрўйини оширди.

Улар ҳаммаси коллективга олдинга қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришда ёрдам беряпти. Жумладан, устахона беш ойда товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни 105 процент бажарди. Май ойида ўртача меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи анча ўсди. Ҳамма маҳсулотимизни аъло ва яхши сифатда топширяпмиз.

Устахона ишига тўғаноқ бўлаётган нуқсонлар ҳам бор. Шулардан бири симларни ўз вақтида етказиб бермасликдир. Бу ерда фақат таъминотчилар г и н а эмас, ўзимиз ҳам айблимиз. Ўйлайманки, бу масалани партия комитети олдига қўйиш керак. Қисқаси, ишимизни ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети июнь Пленумидаги доклади талаблари асосида яхшилаш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида ҳисобот-сайлов йиғилишида мунозара қиламиз.

# Шарқ юлдузи

## ИЮНЬ СОНИДА

«Шарқ юлдузи» журналининг навбатдаги, июнь сони босмадан чиқди. Журнал таниқли совет адиби А. Чаковскийнинг «Ғалаба» сиёсий романи билан очилади. Уни рус тилидан Х. Алимтоев таржима қилган.

Журналхонлар Шуҳратнинг «Оқибатли кишилар», Н. Қобулнинг «Тубсиз осмон» қиссаларини, М. Мансуровнинг «Устюрт воқеаси» қиссаси охирини, Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» шеърий романи бошланишини, Барот Бойқобиловнинг «Шукуҳли карвон» шеърий романи охирини ҳам ана шу сонда ўқийдилар.

С. Азимийнинг янги ғазаллари, О. Ҳожиеванинг шеърлари ҳам журналдан ўрин олган.

Отахон адиб ва драматург Уйғуннинг 75 ёшга ҳамда Саид Аҳмаднинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан С. Мамажонов, А. Аброров, И. Ғафуров, Т. Азизов, Мирмуҳсинларнинг юбилярлар ҳақидаги мақолалари ва дил сўзлари эълон қилинган.

Журналнинг «Очерклар», «Ҳикоялар», «Тақризлар» бўлимларида ҳам хилма-хил, қизиқарли материаллар бор.

Ойдин ҲОЖИЕВА

## ВАТАН

Сўрамангиз қайда деб, муштоқ дилимда Ватан,
Мен ўтар бўлган юксак, порлоқ йўлимда Ватан,
Яшнаган чаманимда, қақроқ чўлимда Ватан,
Энг эзгу, энг муқаддас чанқоқ сўзимда Ватан.
Мен-ла эгиз туғилиб, ўсиб-улғайгани рост,
Онадай қучиб, қойиб, куйгани, суйгани рост.
Чўққиларга йўл солсам, елкасин қўйгани рост,
Шодлигим, ташвишимда, сабру тўзимда Ватан!
Ватан дедим, бу юрак гурулладн ёзу қиш,
Умидсиз дамларимни мунаввар қилди севинч,
Орзум иморатига бўлганида асос синч,
Менинг толе осмоним, бахт юлдузимда Ватан.
Мен ўтарман изида кўклам қолган сой мисол,
Бошоқларин мағзи тўқ баҳорги буғдой мисол,
Вақт келиб фурсат қўли аниқ отган ёй мисол,
Ишонч имонимда, сўнгги кезимда Ватан!
Гулга кирган дарахтдай умри меваси бу шеър,
Забонимнинг ўзгармас, асл шеваси бу шеър.
Тоғнинг ва дарёларнинг онаси шу камтар Ер,
Меҳнату ижодимда, нону тузимда Ватан!

* * *

Меҳнат қилсанг, офтобдай беминнат бўлсин ишинг,
Оқар эсанг, дарёдай тўлиқ бўлсин оқишинг,
Юрар эсанг, йўлларда чапдаст тушсин қадаминг,
Ёзар эсанг — тилсимлар топа қолсин қаламинг!
Истак дегани — гўдак, чиниқтир аввал бошдан,
Ҳаёт йўли холимас паст-баланд, тикан, тошдан!
Истак — нимжон ниҳоллардай синмасин бўронларда,
Тиз қалтираб чўкмасин қайрилма довонларда!
Учирилган починдай тўғри олсин мўлжални,
Шиддатни кўриб кимлар тан берсин, десин балли!
Бу дунёда истаклар бўлмаса дадил, ўт руҳ,
Кўзларда ғурур бўлмас, дилларда ёнмас шукуҳ!

Нурали ҚОБУЛ

## Тубсиз осмон

ҚИССАДАН ПАРЧА

МЕН ҳар галгидек отаримизнинг кўп йиллик қўриқчиси — севимли Бўйноғимнинг болалашини кутардим. Энам[1]нинг айтишларича, итлар бир йилда икки ёш яшармиш. Аслида Бўйноқ мен билан тенг экан. Мен келаси йил саккизга кираман. Бўйноқ эса ўн олтига. Ғалати-я? У мен билан бир йилда туғилган бўлса-ю ўн олтига кирса? У билан қачон яқин бўлиб қолганлигимни эслолмайман. Назаримда, эсимни таниб, кўзимни очибманки, Бургуттепанинг ёнидаги қўтонимизда Бўйноқни кўргандайман. Шундан бери бир-биримизни кўрмасак туролмаймиз.

— Ҳе, туғмай туғуқсиз кет! Ҳамма ёқни ит босиб кетадиган бўлди! Неча марта айтдим сизга, шу қари қанжиқни йўқотинг деб! Усиз ҳам қўзиларни боқиш жонимга тегиб кетди! — дея нолирдилар аччиғи чиққан пайтларда аям дадамларга.

Албатта, бу гапни менга эшиттирмасликка уринардилар. Менинг олдимда деярли Бўйноқни жеркимасдилар. Мен эсам... аямларни яхши кўрсам-да, шу гапларини ҳечам кечиролмасдим. Сурувимизни Бўйноқнинг болалари Кўктой, Оқтой ва Сиртлон қўриқлайди. Мабодо иккитаси талашиб қолса, Бўйноқ кўриниши билан дарров ажралиб кетишади. Шундай пайтларда унга меҳрим товланиб, беихтиёр қучоқлаб оламан. У ҳеч қачон мени қаттиқ йиқитмайди. Гоҳо бир нарсага чалишиб йиқилгудай бўлсам, у чаққонлик билан ўзини остимга ташлайди ёки суяб қолади. Унинг деярли барча ҳатти-ҳаракатлари одамга ўхшайди. Баъзан дадам Ҳамро чўпонни «Бўйноқдан ўрнак олсанг бўлмайдими», деб койийдилар.

Кейин бизга онасини Жийдалининг даштида жондор тортиб кетган, аям сут берадиган, дадам дуч келган совлиқни ушлаб эмизадиган кўк етим қўзи қўшилди. Уззукун қорнини тўйғазиш учун елиб-югурадиган Етимқўзига Бўйноқ иккимизнинг ҳам раҳмимиз келарди. Дадам идорага кетиб, аямнинг ишлари кўпайган кунларда у оч қоларди. Шунда у зир югуриб одамларнинг орқасидан чопар, дуч келган совлиққа тармашарди. Совлиқлар уни тепиб, сузиб ташлар, у эса пилдираганича бориб бошқасига ёпишарди. Бирорта совлиқни ушлаб уни эмизай дердим-у, кучим етмасди. Дадам бозорга кетиб, аям кун бўйи кир ювган куни у яна оч қолди. Сигир сутидан бермоқчи бўлгандим, уюб қолган экан. Маърайвериб овози битди.

Яқинда қўзилаб, қўтонда қолган қўйлардан бирортасини ушлаб Етимқўзини эмизишга аҳд қилдим. Нега энди у оч яшаши керак? Пойлаб бориб ўтган куни далада қўзилаган совлиқнинг бўйнига осилиб олдим. Қўйлар қўтонни бошга кўтариб, у ёқдан бу ёққа чопишарди. Шуни кутиб турган етим қўзи совлиқни қистаб эма бошлади. Совлиқ мени қийға белаб судрар, чанг кўзларимни ачиштирар, жунига ёпишган тиканлар қўлларимни тимдаларди. Бир неча марта бошимни устунга уриб олдим. Этигим қаердадир қолиб кетди. Бироқ қанча қийналмайин кун бўйи оч юрган Етимқўзининг қорни қовзаниши керак. Етимқўзи совлиқнинг силташларига қарамай, биз билан басма-бас югуриб эмарди. Толиққанимдан қўлларим увушиб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Ҳурккан қўйлардан бири келиб менга урилганда, зарбдан совлиқ қўлимдан чиқиб кетди, елкам устунга тегди. Бир зум кўзим тиниб, бошим айланди. Етимқўзи ҳамон унга ёпишарди. Совлиқ қайрилиб шу қадар қаҳр билан суздики, назаримда эмган сути бурнидан чиқиб кетди бечоранинг.

Шундан бошлаб у бизнинг орқамиздан эргашадиган, кун бўйи Бургуттепада ёки Тераклисойдаги каттакон оқ терак остида биз билан ўйнайдиган бўлди. Биз энди тўрт киши бўлдик. Бўйноқ, мен, оқ терак ва Етимқўзи. Фақат оқ терак бизникига кеололмайди. Доимо баргларини шивирлатиб биз билан ҳайрлашади.. Бўйноқ иккимиз доимо уни суғорамиз.

Олис-олис яйловлардан чўпонлар келиб, дадамдан Бўйноқ туғса боласидан беришларини сўрашар, отарларига бўрилар тинчлик бермаётганлигидан нолишарди. Негадир дадам Бўйноқнинг болаларини ҳеч кимга бергилари келмасди. Аям бўлса... Аям негадир Бўйноққа кун бермайдилар... Нега? Шундай олғир итлар туғиб берган ва уларга доимо бош-қош бўладиган кекса Бўйноқ энди ёмон бўлиб, уйимизга сиғмай қолдими? Ахир қишлоғимизда кўп одамлар қолган-кутган овқатлар увол бўлмасин деб ҳам ит боқишадику? Бўйноқ эса меҳнати эвазига овқат еяпти!

Аямнинг айтишларича, илгари қишлоғимизда ит зоти жуда оз бўлган. Ҳамма итлар очарчилик йиллари қирилиб битган экан. Дадам Бўйноқни қандай топиб келганларини аямдан эшитганман. Унинг ҳамма жойи қоп-қора, фақат бўйни билан панжалари оқ. Шунинг учун унинг отини энам Бўйноқ қўйганлар. Унинг кўп болалари ўзига ўхшайди. У болалаганда чўпонлар келиб, кучукчалар учун талашиб-тортишарди.

Ҳамма чўпонлар арслон кучуквачалар учун талашишар, урғочиларини эса истар-истамас хуржунларига солиб кетишарди. Бу эса менга жуда алам қиларди. Дадам Бўйноқни олиб келган пайтларида Мамадазим деган чўпоннинг қўлида қўй боқарканлар. Бир куни у, дадам далада қўй боқиб юрганида, бизникига маст бўлиб келиб, аямни ҳақоратлабди. «Сенинг партизан эрингнинг дастидан бирор иш қилиб бўлмайди», дебди. Шундан кейин дадам унинг қўлидан бўшабдилар...

— Билиб қўй, Мамадазим! Бу гапларинг учун бошингни танангдан жудо қилсам ҳам ҳаққим кетарди. Лекин шу пайтгача берган тузингни ҳурмат қилдим. Аммо билиб қўй, бир тарсаки қарзсан! — дебдилар дадам ўшанда Мамадазимга.

У эса индамабди. Дадамнинг чўрткесарлигини, айтганини қилмасдан қўймаслигини билиб, бир оғиз ғинг демабди. Ҳозир ҳам қаерда дадамни кўриб қолса, ўзини йўқотиб, гапидан адашиб кетаркан. Бўйноқнинг ота-боболари Мамадазим чўпоннинг сурувини кўп йиллардан бери садоқат билан қўриқлаб келар экан. Дадам унинг сурувини боқишни ташлагандан кейин аямга: «Йўқот ўша итнинг итини дебдилар. Аям бўлсалар: «Қўйинг, дадаси, ит бечорада нима айб! Нўрбўтангиз шу жониворга ўрганиб қолган. Йўқотсангиз хунибийрон бўлиб йиғлайди», дебдилар.

Шундан сўнг дадам мени ўйлаб, Бўйноққа тегмабдилар. Дадам Мамадазимни аввал бошдан ёқтирмас эканлар. У порахўр, олғир эмиш. Мен ҳалигача бу гапларнинг тагига етганим йўқ. Мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади, деганлари ҳақ гап. Унинг итлари ҳам ўзига ўхшаган олғир, дер эканлар дадамлар аччиқлари чиққан пайтларда.

Дадам Мамадазимдан бўшаганларидан кейин ўзлари отар олишга аҳд қилибдилар. Илгариги директор икки-уч марта «Жўравой, бирор отар қўй олмайсанми?» деганларида, дадам кўнмаган эканлар. Аямнинг айтишларича, дадамнинг ўзлари отар сўраб борганларидан ажабланган директор анча тарозига солган эмиш. Аямнинг гапларига кўпинча тушунолмай қийналаман.

Охири, учинчи марта боргач, директор кўнибди. Дадам, отини эшитса чўпонлар безиллайдиган Жондорилсой қўтонида қишловни ўтказиш шартига рози бўлиб, бир отар тўқли қабул қилиб оладиган бўлибдилар.

— Бош чўпонликнинг ташвиши, бордикелдиси кўпроқ бўлади, билмадим, эплай оламикансан? — дебди семизликдан кўзлари қисилиб қолган директор, қўлидаги қаламини ўйнатиб.

— Берган топшириғингизни, албатта, ошириб бажарамиз, директор бово! — дебдилар дадам, гарчи директор ўзларидан тўрт ёш кичик бўлса ҳам.

— Планни бажариш-ку — қонун. Ундан ташқари, ишлар ҳам чиқиб қолади. Катта-кичик хизматлар дегандай, — дебди директор қизаринқираб.

— Гапларингизга тушунолмай қолдим, директор бово, — дебдилар дадам, ноқулай аҳволга тушиб.

— Ўзингни гўлликка солма. Жуда тушунасан-да. Ким айтади сени юлдузни бенарвон урадиган Мамадазим ҳеч ниманинг қўлида ишлаган деб. Кўриб кўзинг пишиб қолгандир, Жўравой! — дебди директор дадамнинг елкасига ураркан.

Мамадазим чўпонни ҳамма «Мамадазим ҳеч нима» дейди. Одамларнинг гапига қараганда, у туя ютса ҳам, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб юравераркан. Дадам директор бовонинг ҳамма гапларига тушунибдилар. Нима деб жавоб қайтаришга ақллари етмай, мум тишлаб қолибдилар. Аммо директор бу сукутни ризолик аломати деб ўйлабди шекилли, дангал савдога ўтибди.

— Олти юз сараланган тўқли бердираман. Бу йил сенга қўзи плани йўқ. Йигирмата яхши қўчқор топиб, ҳеч кимга билдирмай сурувга қўйиб юборасан. Тўқлилар семиз. Қўчириш пайтида кечалари ўрилган бедапояга бир икки ёйиб оласан. Фақат ҳеч ким сезмасин. Камида ярми қўзилайди. Қўзилар ҳисоб-китобини фақат иккимиз қиламиз. Бу ҳақда кейин гаплашамиз. Гапинг бўлса ферма мудирига айтиб ўтирмай тўппа-тўғри ўзимга келавер. Хўпми? — дебди.

Дадам ҳозир бирдан «йўқ» десам, отарни бермай қўяди деб ўйлаб индамабдилар. Аммо ичларида директор бовонинг гапларига ҳечам рози бўлмабдилар. У кишининг айтишларича, кўпчиликнинг ризқига кўз олайтирганнинг у дунё-ю, бу дунёси обод бўлмасмиш.

1. Бувим демоқчи.

ШУҲРАТ

## ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

ҚИССАДАН ПАРЧА

Рустам онасини нима қилиб йўқотиб қўйганини билмайди.

Снаряд зарбидан кўкка кўтарилган тупроқ ерга тушиб чанг-тўзон босилгандан кейин ёнига қараса, онаси йўқ. Кейин бизнинг аскарлар ўтиб, жанг қизиб кетди. Юрагини ҳовучлаб, бир чуқурга тушиб ётди. Тоза отишма бўлди. Баъзан сал бошини кўтариб, устимга бостириб келаётгани йўқми, деб қараб қўяди. Бир пайт ўқ теккан одамнинг қанақа қилиб йиқилишини кўрди. Бирдан учиб кетмас экан, бир лаҳза турган ерда қотиб қоларкан, кейин муккалаб кетаркан.

Рустам ўзини оламда ёлғиз қолгандек ҳис этдию, ҳали замон ўқлардан биттаси келиб тегадигандек вужудини муздай тер босди. Ранги оқарди, тиззаси қалтираб, додлаб юборишига сал қолди.

Рустам ўзини бир оз тутиб олди. Бу орада бизнинг бир аскар душманнинг битта солдатини шунақа ўхшатиб, қўндоқ билан туширдики, додлатиб юборди. Фашист теракдай бўлиб гупиллаб йиқилди. Нега қўндоқ билан урди, ўқ тугаб қолдими? Найзаси бор-ку, қорнига санчиб олақолса бўлмасмиди? Рустам уларнинг машқларини кўп кўрган. Найза билан санчгандан кейин, ёнидагисини найзага олишга улгурмайди, қўндоқнинг орқаси билан туширарди. Бу эса, кулочкашлаб туширди. Лекин боплади, бақиртириб юборди.

Шундан кейин Рустам бемалол бошини кўтариб, онасининг йўқлигини билди. Билди-ю, юраги шувиллаб кетди. Атрофини қидиради. Атроф ҳали ғира қоронғи. Фақат ўқлар учганда, снаряд ёрилганда ёришади. Беш-ўн метр наридаги одамни таниб бўлмайди. Ўт-ўлан ва пастак туп ниҳоллар орасини тусмоллаб қаради, ҳеч қаерда йўқ.

Атрофга аланглаб «ойилаб» бақирди. Унинг овози оламни тутган чарс-чурс, гумбур-гумбур орасида денгиз тўлқинига отилган тошдек бесамар кетарди. У гангиб қолди. Энди нима қилади? Қаёққа боради? Онаси қани? Онаси ҳали етаклаб кетаётганида бу отишмалар унчалик ваҳимали туюлмаган эди. Чунки ёнида онаси бор эди. Энди бир зумда йўқотди-қўйди. «Ё ўққа учдими? Йўғ-е!» Унинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Яна оналаб бақирди. Шунда бирдан эсига тушдики, онаси уни дадасининг госпиталига бошлаб кетаётган эди. Ўша ёқни мўлжаллаб Рустам энди беш-ўн қадам ташлаган эди, хотин-халаж, болаларнинг қий-чуви эшитилиб, кейин тўданинг ўзи кўринди. Бир оғиз илиқ сўз ёки бир кичик далдага муҳтож бўлиб турган Рустам уларнинг тўдасига қанақа қилиб қўшилганини билмай қолди, уюрига қўшилган тойчоқдек улар орасидан «паноҳ» топди-ю, қоқилиб-суқилиб бирга кетди. Тўда қий-чув, йиғи-сиғи билан қалъадаги казаметлардан бирига ўзини олди.

Жанг борарди. Рустамнинг бу ерда биринчи кўргани — олдига аппаратини қўйиб олган алоқачи аскар бўлди. У нуқул «Волга-Волга» деб бақирар, аппаратини шиддат билан уриб-уриб қўйиб, яна товуши борича ҳайқирарди. Гоҳ-гоҳ: «Мен — Днепр, мени эшитяпсанми?» деб қоларди. Унинг ёнида иккита ярадор қонга беланиб ётибди. Биттаси гоҳ-гоҳ инграб қўяди. Бу катта хона порох ҳидларига тўлиб кетган. Мудофаада турган аскарларнинг эса ҳаракатлари босиқ, пойлаб-пойлаб, пайти билан ўқ очади, лекин катта жанглар билан шу ергача чекиниб келгани уларнинг ранг-рўйи ва кийим-бошларидан яққол кўринади.

Ногоҳ бир овоз янгради:

— Ўртоқлар! Ўртоқлар! Диққатларингни бўлмаганлар! Хотинлар, ёшлар анави бурчакка ўтинглар. Оёқ остида ўралашманглар. Душман яна ўрмалаб қолди.

Рустамга бу товуш таниш эшитилди, лекин эслай олмади. Шу орада душманнинг навбатдаги атакаси бошланди. Ҳамма ёқни автомат ва пулемёт овозлари тутиб кетди. Рустам шунда билдики, бу ерда мудофаа тутувчилар душман ҳужумини биринчи марта қарши олиши эмас, улар жуда хотиржамлик билан немис автоматчиларини яқингача қўйиб бериб, кейин шунақа бирдан ўқ очдиларки, душман қочгани жой тополмай, ер тишлаб қолди.

Душман қаттиқ қаршиликка дуч келиб, чекингач:

— Баракалла, бургутлар! Энди нишонга олиб, ўқни тежаб отинглар, — деди бояги овоз. — Пойланг, бош кўтарди, — тепкини босинг!

Бир оздан сўнг душман қўрғонни тўплардан шунақа ўққа тутдики, бино безгак хуруж қилган одамдек бир лаҳза тинмасди. Аллақаер гумбирлаб тушди, бурчак девори ва унинг қаторидаги эшик учиб кетди. Пишиқ ғиштдан қачонлардир пухталаб, қалин қилиб қурилган деворнинг соғ жойи қолмаганди. Бир тўп ўқи туйнукдан ичкарига тушиб, бир нечта одам ҳалок бўлди. Анави девор қулаганда тагида қолган хотин ҳамон нобуд бўлган боласини бағрига босиб ер қучоқлаб ётибди. Гўдаклар эса йиғлайди, дуч келган одамга ёпишиб, кўмак истайди, йиғи-фарёд ва қий-чув тўплар овозини босиб кетгудек эди. Бир неча дақиқа чўзилган бу тўпга тутиш қўрғонга путур етказди ва кўпларни ҳалок этди. Кейин яна душман автоматчилари ҳужум қилди. Афтидан «энди ҳеч ким омон қолмаган» деб гумон қилган шекилли, қорнига автоматини қўйиб, тепкисига қўлини босганча рўйи-рост юриб келарди. Дам оралаб «Рус капут» деб бақирарди. Пайт пойлаб турган қўрғон мудофаачилари яна уларнинг таъзирини бериб қўйди. Бу кутилмаган қаршиликдан гангиб қолган душман пала-партиш чекинди. Салдан кейин радиодан мурожаатга ўтиб, яхшиликча таслим бўлишини, таслим бўлганларни жони ва унвони сақлаб қолинажагини, истасалар иш билан таъминланишларини ваъда қилди.

— Билиб қўйинг,— деди радиодан, — биз ярим Европани забт этиб келяпмиз. Бизнинг қўшин чексиз кучли ва уддабурро! Унга тенг келадиган қудрат йўқ дунёда. Бизнинг ҳужумкор қўшин аллақачон қалъангизни қуршаб олган, олди қисмларимиз ўн километрлаб илгарилаб кетган. Сизнинг қаршилигингиз бекор. Таслим бўлинг, солдатлар! Беш минут муҳлат!

Қалъадан жавоб ўрнига пулемёт ўқ узди. Яна жимлик. Бу жимлик анча вақт давом этди.

Сўнг кузатувчилар жойларида қолиб, бошқалар ҳалок бўлганларни бир четга олиш, ярадорларга ёрдам беришга киришди. Иккита ҳамширанинг биттаси ҳалок бўлган, анови бири эса яраланган бошини боғлаб инқиллаб-синқиллаб жуда зарур бўлганларга ёрдам бермоқда. Ўзининг ярасидан қон силқиб аллақачон боғланган бинтини қон қилиб юборган. Ҳамшира Рустамнинг ёнидаги солдатнинг оёғини боғлар экан, унга иш буюрди.

— Йигитча, ҳув анави ерда сув бор, олиб келиб ярадорга ичир.

Рустам бу топшириқни бажаргач, билдики, унинг ҳам ёрдамига муҳтожлар бор. Унинг қўлидаги идишни кўриб, илтимос қилувчилар кўпайиб қолди. Рустам жон-дили билан уларга сув ичирарди. Баъзилар қўлини узатиш ўрнига ичириб қўйишни илтимос қиларди. Улардан баъзи бирларини Рустам танийди, кўриб юрган, аммо исмини билмайди. Анави алаҳлаётганини яхши танийди. Волейболга уста, бир сакраб урса, коптокни ерда кўрардинг! Энди-чи, шундай чаққон, азамат йигит унинг сув ичириб қўйишига муҳтож бўлиб, гоҳ алаҳлаб, гоҳ ҳушига келиб ётибди. Рустам ўйларди: «Нега бу ярадорлар бунча кўп сув ичади? Яраланганда кишининг қони кетиб, юраги куйиса керак-да!»

Рустам ҳозиргина сув берган кишиси яна бир кружка олиб келгунча ўлиб қолибди. Боягина: «Сув бер, бола! Азамат йигитча экансан!» деб ётувди. Тавба... Рустамни ваҳима босди, қўлидаги сувни нима қилишини билмай, ўтириб қолди.

Шу пайт қўлига нимадир келиб қўнгандек бўлди. Бундоқ қараса капалак. Чаманларда, ўтлоқларда учиб юрадиган қаноти пушти ва сариғ капалак. Унинг қўлидан учиб, тиззасига қўнди, ундан парвоз қилиб осмонда гир айланди. Ажабо, бу жонивор қаёқдан пайдо бўлди? Бу ерда нима қилиб юрибди? Наҳотки, шунча тўполондан кейин ҳам тирик? Бирон ёққа учиб кетмабди. Чанг-тўзонда, портлашда қолиб ҳалок ҳам бўлмабди. Ажабо!

Капалак учиб келиб бошига қўнмоқчи бўлган эди. Рустам унга қарайман, деб чўчитиб юборди. Капалак қаерга қўнишини билмагандек чир айланиб, кейин ёруғ тушиб турган туйнукка қараб учди, лекин чиқиб кетмасдан шундоққина оғзида қўниб чиройли қанотларини ликиллатиб турди-да, яна шифтга қараб кўтарилди. Кейин аллақаёққа учиб кетди. Рустам кўздан йўқотди, атрофга олазарак қараб қидирди. Ҳатто менга тескари томондами деб ўрнидан туриб, орқа-ўнгига аланглади. Капалак йўқ эди. Эрмагидан айрилган кичкина боладек хомуш тортиб қолди. Уни кузатиб турган шекилли, бир ўрта ёш хотин гап қотди:

— Ташқарига, кенгликларга чиқариб юбориш керак эди, бу ерда нима қилади бечора. Қамалиб қолган шекилли!

Йўқ, тешикка бориб қайтиб келди, — деди Рустам ва энди кўрса ушлаб чиқариб юборишга қасд қилиб қўйди.

— Ана! Ана! Пулемётга қўнди, — деди қўли билан кўрсатиб бояги хотин.

Рустам етиб боргунча яна учиб кетди. Рустам кетидан аста юрди, пайт пойлади. Айни шу пайтда душман қалъани шунақа ўққа тутиб қолдики, чанг-тўзондан кўз очолмай қолди. Қулоқлар битди.

— Бу аламдан! — деди бояги таниш товуш пулемётнинг лентасини назардан кечирар экан. — Бизнинг таслим бўлишимизни кутди-ю, бўлмади. Тирсагингни тишла, ифлос, сенга бўйин эгиб чиқадиган аҳмоқ йўқ.

Яна хотинлар ва болаларнинг қий-чуви ҳамма ёқни тутиб кетди. Тўпвозликдан кейин иккита танк олдинма-кетин шу томонга келаверди. Йўлакай нишонга олиб ўқ узар, ҳар ўқ узганда қаттиқ йўталган кишидек орқасига қалқиб кетарди.

## ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

### ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**С. ИСЛОМОВ, А. ҒАФФОРОВ ва бошқалар: Бизларни бир масала қизиқтиради: Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига шаҳар атрофида қатнайдиган транспортлардан фойдаланишда қандай имтиёзлар берилган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Сизларни қизиқтирган масала бўйича Тошкент область пассажирлар ташиш автомобиль ишлаб чиқариш трестига мурожаат қилдик. У ердан бизга маълум қилишларича, шаҳар атрофида қатнайдиган автобус маршрутларидан фақат Улуғ Ватан уруши инвалидларигина бепул фойдаланишлари мумкин. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари эса бундай ҳуқуққа эга эмаслар.

* * *

**О. ТУРАБЕКОВ: Яқинда биз бир группа спорт ишқибозлари бир масалада баҳслашиб қолдик. Баъзилар дунё бўйича футбол федерациясига аъзо бўлган мамлакатлар кўп деса, баъзилар спортнинг бошқа турига аъзо бўлган мамлакатлар кўп деб айтишди. Хўш, ким ҳақ? Шу ҳақда маълумот бера олмайсизми?**

**Жавоб:** Бу ерда шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтда халқаро футбол федерацияси (ФИФА) жаҳоннинг 146 мамлакатини ўз сафига бирлаштирган. Ана шу федерациядан кейинги ўринни баскетбол бўйича халқаро федерация эгаллаган. Бу федерациянинг аъзоси 143 мамлакатдан иборатдир. Енгил атлетика бўйича халқаро федерация составига 140 мамлакат киради. Тўртинчи ўринда сузиш бўйича халқаро федерация туради. Бу федерация ўз составида 119 мамлакатни бирлаштирган. Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) бешинчи ўринда бўлиб, у 106 мамлакатни бирлаштирган.

* * *

**С. АЮПХОНОВ: Касалхона ёки санаторийда бўлган киши почтадан келган пул переводини олиш учун ишонч қоғози берса, уни ким тасдиқлаши лозим? Шу ҳақда маълумот бера олмайсизми?**

**Жавоб:** Касалхона ёки санаторийда бўлган кишиларнинг ишонч қоғозини ана шу даволаш муассасаларининг маъмурияти тасдиқлаб бериши мумкин. Бошқа ҳолларда эса бундай ишонч қоғози нотариал конторалари, маҳаллий Советлар, уй бошқармалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув муассасалари томонидан тасдиқлаб берилиши керак.

* * *

**Т. ШЕРМУҲАМЕДОВ: Улуғ Ватан уруши ветерани деган гувоҳномани олиш учун қаерга мурожаат қилиш керак? Шу ҳақда билмоқчи эдим.**

**Жавоб:** Республика ҳарбий комиссариатидан бизга хабар қилишларича, Улуғ Ватан уруши ветерани деган гувоҳномани олиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ўзингиз истиқомат қилиб турган ра... он ҳарбий комиссари... тига учрашишингиз керак. У ерда Сиз... шу хусусдаги бар... маълумотларни айт... беришади.

* * *

**С. ИСЛОМОВА: Мен парашют спорт... га қизиқаман. Шаҳ... мизда спортнинг ... турини ёшларга ўр... тадиган бирор кл... борми?**

**Жавоб:** Спортни... парашют тури бил... шуғулланмоқчи б... сангиз шаҳримизн... Халқлар дўстл... проспектидаги 28-у... жойлашган авиаклу... мурожаат қилишин... ни маслаҳат берам...

Редактор С. М. КАРОМАТ...

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## МУҲИМ ВОҚЕА

МАНАГУА. Никарагуа революцияси ғалабасининг бир йиллиги 19 июлда нишонланади. Яқинлашиб келаётган ана шу сана эркин Никарагуа ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа бўлади, деди сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси, планлаштириш министри Генри Руис. У айни вақтда мазкур санани байрам қилишга тайёргарлик кўрувчи комиссиянинг миллий координатори ҳамдир.

Ҳозир, деб уқтирди у ТАСС мухбири билан суҳбатда, бутун мамлакатда байрамга актив тайёргарлик давом этмоқда. Саноат корхоналарининг коллективлари, деҳқонлар кооперативларида, саводсизликни тугатиш кампанияси қатнашчилари ўртасида байрамни муносиб кутиб олиш учун ҳаракат авж олиб кетди.

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

**ДАМАШҚ.** Сурия матбуоти Олимпиада-80 га тайёргарликка катта эътибор бермоқда. Масалан «Аль-баас» газетаси «Олимпиада арафасида» деган махсус кунлик рубрика очди. Унда «Олимпиада-80» ташкилот комитетининг фаолияти, Москвада ва СССРнинг бошқа шаҳарларида қурилаётган янги олимпиада иншоотлари, спорт мусобақаларининг тартиби ва муддатлари ҳақида ҳикоя қилинмоқда. Олимпиадага, деб таъкидлайди «Аль-баас», миллионлаб совет кишилари тайёргарлик кўришмоқда. Уларнинг асосий мақсади турли мамлакатлардан келувчи спортчилар ва туристлар учун энг яхши шароит яратиб беришдан иборат.

## Ўзаро манфаат асосида

БРАЗИЛИА. Лотин Америкаси мамлакатлари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли савдо-сотиқни ривожлантиришга тобора қизиқиб қарамоқдалар. Қўшма Штатлар ва бошқа капиталистик мамлакатлар ривожланаётган давлатлар билан савдо-сотиқда камситувчи тадбирларни амалга ошираётган бир пайтда бу қизиқиш айниқса яққол намоён бўлмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Лотин Америкаси учун иқтисодий комиссиясининг бу ерда эълон қилинган тадқиқотларида Совет Иттифоқи билан қитъадаги ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотиқ 12 баравар кўпайганлиги уқтириб ўтилади.

Халқаро кескинликни юмшатиш жараёни етмишинчи йилларда социалистик мамлакатлар билан Лотин Америкаси мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг сезиларли даражада ривожланишига кўмаклашди, деб таъкидланади ҳужжатда.

Социалистик Кубадан кейин Аргентина ва Бразилия Лотин Америкасида Совет Иттифоқининг энг асосий савдо шерикларидир. СССР Жанубий Америкадаги ана шу энг йирик давлатларга гидроэлектростанциялар ва иссиқлик электр станциялари учун асбоб-ускуналар, машиналар, станоклар, бир қанча хом ашё турларини етказиб бермоқда, ана шу мамлакатларнинг кўпгина энг муҳим тармоқларини ривожлантиришда ҳамкорлик қилмоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, кончилик саноати, фойдали қазилмаларни разведка қилиш, балиқ овлаш соҳасида кенг ҳамкорлик истиқболлари мавжуд.

«Ольмос» гидроэнергетика ва ирригация комплексини биргаликда барпо этиш СССР билан Перу ўртасида ҳамкорлик қилишнинг энг катта объектларидан биридир. Совет—Боливия иқтисодий алоқалари мустаҳкамланмоқда. Бу мамлакат билан бир қанча битимлар тузилди. СССР билан Мексика ўртасида ҳам савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланмоқда.

Гамбургдаги «Хуго Штольценберг» фирмасининг ташландиқ омборларида жанговар заҳарловчи моддалар, ўқ-дорилар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларининг топилганлиги муносабати билан ГФРда атроф-муҳитнинг булғаниши билан боғлиқ катта жанжал бўлиб ўтди. Бир неча юз тонна кучли заҳарли материаллар билан бир қаторда бундесвер маркаси қўйилган яшчиклар ҳам топилди. СУРАТДА: солдатлар ажал ташувчи юкларни эвакуация қилишмоқда. ДПА—ТАСС фотоси.

# КИНО

**30 ИЮНДА**

**БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ЭРКАКЛАРБОП САИЛ»—**Чайка** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат 76-06-20).

«МЕНИНГ УЛИМИМДА КЛАВА КЎНИ АЙБЛАНГ»—**Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-29-93).

«ОЙНАБАНД ЭШИК ОРТИДА»—**Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-29-93).

«АВЛИЁ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР»—**Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75). **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«СУД ЖАРАЁНИ»—**Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Тинчлик** (18, 21.00, телефон 53-86-07). **Мир** (17, 20.00). **Кўкча** (18, 20.30). **Навоий номли** (17, 20.00, телефон 44-30-41).

«ОҚ СОЯ»—**ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ШОҲ СТАХНИНГ ШАФҚАТСИЗ ОВИ»— **К. Ерматов номли** (20, 21.00).

«БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС» — **К. Ерматов номли** (17, 19.00, телефон 24-22-66).

**1 ИЮЛДА**

**ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:**

«БОРИС БАБОЧКИН» — **Фестиваль.**

«ОСМОНДА ФАҚАТ ШУНҚОР УЧУВЧИЛАР» — **Навоий номли.**

«МАКТАБ СТАРТДА»—**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

**БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ЭРКАКЛАРБОП САИЛ»—**Чайка** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат 76-06-20).

«МЕНИНГ ЎЛИМИМДА КЛАВА КЎНИ АЙБЛАНГ»—**Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-29-93).

«ОЙНАБАНД ЭШИК ОРТИДА»—**Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-29-93).

«АВЛИЁ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР»—**Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75). **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«СУД ЖАРАЁНИ»—**Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Тинчлик** (12.30, 15.30, 18, 21.00, телефон 53-86-07). **Мир** (11, 14, 17, 20.00). **Кўкча** (10.30, 13, 15.30, 18, 20.30). **Навоий номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 44-30-41).

«ОҚ СОЯ»—**ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ШОҲ СТАХНИНГ ШАФҚАТСИЗ ОВИ»—**К. Ерматов номли** (11, 12, 14, 20, 21.00).

«БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС» — **К. Ерматов номли** (14, 15, 17, 19.00, телефон 24-22-66).

Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги 128-ўрта мактаб томонидан **Хожимуродова Насиба Маҳамаджоновна** номига берилган 297162 номерли йўқолган САККИЗ ЙИЛЛИК МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ

**ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ**

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

## «СУД ЖАРАЁНИ»

**ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ**

**Сценарий авторлари** — Михаил ПАПАВА, Михаил КАНЕВСКИЙ.

**Постановкачи-режиссёр** —Жали СОДАНБАЕВ.

**Ролларда:** Омон ҚАМЧИБЕКОВ, Ўтилжон НИЕЗБЕРДИЕВА, Турсун ТЕМИРҚУЛОВ, Гулсара АЖИБЕКОВА, Арсен УМУРАЛИЕВ, Балташ ҚАИПОВ, Бакен КАДИКЕЕВА, Маргарита КИВАТСКАЯ, Григорий КАРКОЦКИЙ **ва бошқалар.**

Бу фильмнинг бошланиши шу қадар жўшқинки, анъанавий детектив (жиноятчилар ҳаётидан олиб ёзилган ҳодисалар) планидаги лекталар учун яратилгандек. Универмагнинг заргарлик бўлимидаги буюмлар ўғирлаб кетилади, жиноят содир бўлган жойда бир киши ушланади, у қаршилик кўрсатади. Худди ана шу жойда фильм авторлари картина мазмунини танни йўлдан кинодетектив йўлга бурнб кетадилар. Бу воқеаларнинг кескинлашувига асло тўсқинлик қилмайди. Чунки, бу чинакам изланиш бўлиб,—жиноятчиларни излашга ўхшаган воқеаларни томошабин кўз ўнгида гавдалантиради.

Одил Султонов тергов ва суд тугаллагунга қадар кишилар фикрида, жиноятчиликда шубҳали киши бўлиб туюлади, унинг қайлиги ва ёш адвокат Асқардан бошқа ҳеч ким айбсизлигига ишонмайди. Юристликни энди бошлаган ёш мутахассис олдида мураккаб вазифа кўндаланг бўлади: ўзи ҳимоя қилаётган кишининг сўзига ишониши, унинг айбсизлигига ишонч ҳосил қилиши бир гап-у, буни судда исботлаб бериш бошқа гап. Лекин Асқар ўз мақсадига эришиши керак. Акс ҳолда суд ишида хатоликка йўл қўйилади— айбсиз киши қораланади ва жазоланади. Шунинг учун ҳам у аниқ, ишончли сўзларни, рад этиб бўлмайдиган далилларни қийналиб бўлса ҳам қидиради.

У ўз мақсадига қайси йўл билан эришишини, қандай исботлаллилар топишини томошабинининг ўзи янги картинадан билиб олади. Биз фақат муаллифларнинг мураккаб ва бир-бирига зид муносабатда бўлган қаҳрамонларни муваффақиятли суратга олганликларини қайд этиб ўтамиз.

Томошабинларни қаҳрамон, ёш адвокат Асқар образи ҳам қизиқтиради. Лентада унинг характерлари ифода этилган.

Картина муаллифлари ўз қаҳрамонларининг ғоявий қиёфасини ва ички дунёсини шунчалик очиб берадиларки, унга ҳеч ким бефарқ қарай олмайди. Улар ёш адвокат қалбида ғаёён қилаётган кечинмаларни усталик билан томошабинга ётказадилар, шунинг учун ҳам адвокат бош қаҳрамон қилиб олинганлиги бежиз эмас. Ҳақиқат рўёбга чиқиши, тортишувлар бўлиши учун айбланувчининг ҳимоя қилиниш ҳуқуқини таъминлайдиган совет одил суди системаси муҳим ўрин эгаллайди. Ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши ҳам ана шу тортишувни ким қандай олиб боришига боғлиқ. Асқар образига томошабинлар фарқ қараб тура олмайдилар, чунки бу қаҳрамон кишиларни шунчаки ҳимоя қилибгина қолмай, у адолатни, унга бўлган ишончимизни ҳам ҳимоя қилади.

«ҚИРҒИЗФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

## ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

**1980—1981 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН**

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

## ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**СИЗНИНГ ОЛДИНГИЗДА ҲОЗИР «ҚАЙСИ ЙЎЛНИ ТАНЛАЙ?», «ҚАЕРГА ЎҚИШГА КИРАЙ?», «КИМ БЎЛАЙ?», «ҲАЁТДА ЎЗ ИСТЕЪДОДИМНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТОПАЙ?» ДЕГАН ҚАТОР МУҲИМ САВОЛЛАР ТУРИБДИ.**

СИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА БОРИБ БУ САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ ТОПА ОЛАСИЗ.

ЎЗИНГИЗГА ЁҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

127-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТЛИК ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРДАН ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **эркаклар устки кийимлари, аёллар устки кийимлари, аёлларнинг енгил қўйлакларини тикувчи-бичувчилар, тикувчилик ишлаб чиқариш контролёри, тикувчилик ишлаб чиқариши ремонтчи-слесари.**

ЎҚИШ МУДДАТИ —10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАРГА —1 ЙИЛ. **Стипендия —ойига 30 сўм.**

Ўрта мактабларни ва тикувчи-мотористка ихтисоси бўйича мактабларапо ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ўқишни тамомлаганларга ўқиш муддати —8 ой. Стипендия ойига 70 сўм.

8 синфни тугатганлар учун ўқиш муддати — 3 йил. Билим юртини тамомлаганларга бир вақтнинг ўзида диплом ва ўрта маълумот ҳақидаги аттестат берилади.

**Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар.**

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртида аёлларнинг енгил қўйлакларини тикиш бўйича бичиш-тикиш, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ишлаб туради, уй ҳўжалиги асослари ўргатилади.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

**ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:**

Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй—Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг территорияси (2, 9, 18, 19, 21, 26, 51, 60, 72, 81, 47, 62, 89, 24-автобуслар, 2, 16, 25, 3, 22, 3-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин Мавзу кўчаси, 136-уй—Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалининг территорияси (10«э», 43, 88-автобуслар, 27-трамвайнинг «Шимолий Олмазор» бекати).

Тошкент шаҳри, Чкалов кўчаси, 5«а»-уй (3, 80, 60, 2, 25-автобусларнинг «Қизил тонг» бекати). Телефон 35-62-41.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 86-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

МЕТАЛЛ БЎЙИЧА УНИВЕРСАЛ ТОКАРЬ. **15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.**

ПРОГРАММАЛАШТИРИЛГАН СТАНОКЛАР ОПЕРАТОРИ. **Ёши 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати 3 йил.**

МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ. **15 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади. Ўқиш муддати 1 ва 3 йил.**

АСБОБСОЗ-СЛЕСАРЬ. 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. Ўқиш муддати 1 ва 3 йил.

ДИПЛОМЛИ ГАЗ-ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. **Ўқиш муддати 2 йил ва 3 йил, 15 ёшдан қабул қилинади.**

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. **Ўқиш муддати 1 йил, 17 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.**

ЭЛЕКТР КЎТАРМА КРАНЛАРИ МАШИНИСТИ. **17 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Давлат таъминотидан ташқари стипендия туланади.**

МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР РЕМОНТИ СЛЕСАРИ. **Ўқиш муддати 1 ва 3 йил. 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.**

ПЎЛАТ ҚУЮВЧИ. **Ўқиш муддати 1 йил. 18 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. Давлат таъминотидан ташқари 80 сўм стипендия тўланади.**

ҚОЛИПЛОВЧИ. **Ўқиш муддати 1 йил. 18 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. Давлат таъминотидан ташқари 80** сўм стипендия тўланади.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

**ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Ўқиш давомида 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим билан таъминланадилар.

Билим юртида 2 та техника ижоди тўгараги, радиоҳаваскорлар тўгараги, эстрада, духовой, миллий чолғу асбоблари ансамбли, 8 та бадиий ҳаваскорлик тўгараги мавжуддир. Спорт секцияларининг 12 тури ишлаб турибди.

Ўқувчилар ёзги каникулларда «Чимён» спорт соғломлаштириш лагерида дам оладилар.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинади.

**МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

**ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:** директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги шаҳодатнома ёки аттестат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри —52, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи», 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони бекатлари).

199-КЕЧКИ СМЕНАЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**токарь, фрезерчи, слесарь, ОТК контролёри, сараловчи, конденсаторларни йиғувчи, операторларни тайёрлайди.**

ЎҚИШГА 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 134-уй (43, 56-автобуслар, 7, 10-троллейбусларнинг «Миконд» заводи» бекати).

139-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**заргар, қолипловчи, ремонтчи-слесарь, фанер қоқувчи, отводчи, тасвирчи рассом, дурадгор. Ўқишга 8 синф ҳажмида маълумотдагилар; заргар, қолипловчи, тасвирчи рассом мутахассисликларига 10-синф ҳажмида маълумотдагилар қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 2-уй (38, 40, 49, 76-автобусларнинг «Заргарлик заводи» бекати). Телефон: 44-30-07).

46-КЕЧКИ-СМЕНАЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**радиотелемеханик** (пулли группа, ишга жойлашиш ихтиёрий), **телеграфчи, телефончи, шаҳар телефон тармоғи линиялари ва абонентли қурилмалари электр монтёри, кабелчи-қалайловчи, почта ташиш оператори, почта вагонлари бошлиғининг ёрдамчиси. Стипендия—56 сўм.**

**Телеграфчи ва телефончи** (қизлар) **лекка 16 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф ҳажмида маълумотдагилар, шаҳар телефон тармоғи линиялари ва абонентли қурилмалари электр монтёрлари, кабелчи-қалайловчи, почта ташиш оператори, почта вагонлари бошлиғининг ёрдамчисига, 17 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф ҳажмида маълумотли кишилар қабул қилинади.**

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЯШАБ ТУРГАН ҚИЗ-ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Кафанов кўчаси, 50-уй (8, 9, 10, 24-трамвайлар, 2, 3, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). Телефон 56-58-87.

ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ 15-КАЛИНИН ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА

**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**тўқувчи, йигирувчи, ўровчи, айлантирувчи, тайёр маҳсулотларни кўздан кечирувчи контролер, мастер ёрдамчиси.**

ЎҚИШ МУДДАТИ —БИР ВА УЧ ЙИЛ.

**Етоқхона берилади.**

**10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЎҚУВЧИЛАРГА 70 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ, 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЎҚУВЧИЛАР ЭСА ТУЛА ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДА БЎЛАДИЛАР.**

Ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент иш ҳақи берилади.

**Ўқувчилар пенсия ва нафақа олиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.**

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР МАЛАКА БЎЙИЧА ДИПЛОМ, ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДА ДИПЛОМ ВА КАЛИНИН ШАҲРИДАГИ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР. ЕТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Адрес: 170001, Калинин шаҳри, Спартак кўчаси, 39-уй.

216-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: **пўлат ва темир-бетон конструкциялари монтажи бўйича монтажчилар, қурувчи-дурадгорлар, пул қурилиш машиналарини ва тракторларни ремонт қилувчи слесарлар, қурувчи-бўёқчи, дурадгорлар, электр пайвандчилар, қурилиш электрослесарлари, конструктор-монтажчилар, автомашиналарнинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар.**

**Ўқиш муддати. 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йил, ўрта маълумотлилар учун 1 йил.**

**Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумотга эга оулган йигитлар қаоул қилинади.**

Билим юртини битирганлар ўзлари танлаган мутахассисликлари билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат ҳам оладилар.

**Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.**

**МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

8-синфни битириб ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, формали кийимлар ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Булардан ташқари ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган ҳақларининг 50 процентини мукофот тариқасида оладилар.

Совет Армиясидан қайтиб махсус группага кирганларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади.

Билим юрти қошида танлаган касблари бўйича тўгараклар мунтазам равишда иш олиб боради.

Ўқувчилар ёзги каникулни Чимёнда жойлашган лагерда ўтказишлари мумкин.

Санаторийда даволаниши лозим бўлган ўқувчиларга санаторийларга ва дам олиш уйларига бепул путевка берилади.

Билим юртини аълО оаҳолар билан битирган ўқувчилар техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма оладилар ҳамда имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

**ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

**Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни** (дам олиш кунидан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Юнусобод массиви, А—4 (25, 28, 29-трамвайларнинг ва 24 «а» автобуснинг «А—4» бекати).

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚАБУЛ КОМИССИЯСИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЗАРУР: танланган ихтисос кўрсатилиб, директор номига ёзилган ариза, ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмдаги 3 та фотосурат, корхона ёки ташкилот йўлланмаси (ўқишга бирон корхонадан юборилганлар учун).

**Кирувчилар паспорт, ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома** (чақириқ ёшидагилар учун) **ёки ҳарбий билет** (запасдаги ҳарбийлар)**ни шахсан кўрсатадилар ва бу ҳақда кирувчиларнинг шахсий делосида тегишли ёзув қайд қилинади.**

**АРИЗА ТОПШИРГАН ШАХСЛАР ТАНЛАГАН ИХТИСОС БЎЙИЧА ИШЛАШГА СОҒЛИҒИ ЯРОҚЛИЛИГИ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА МЕДИЦИНА КЎРИГИДАН ЎТАДИЛАР.**

## ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

**30 ИЮНЬ. ДУШАНБА.**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.**

17.50 Бюртемберг камер оркестрининг концерти (ГФР). 18.50 «Игорь ташриба —умумхалқ мулки». «Ер юзида дон бўлсин деб». Кўрсатувда КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари В. С. Мураховский иштирок этади. 19.20 СССР халқ артисти Б. Штоколов концерти. 20.05 «Александр Пархоменко». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) —«Спартак». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танафус пайтида (22.45) —«Дунё воқеалари».

**Узбекистон телевидениесининг программалари**

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Зангори филча». Болалар учун мультфильм. 18.30 «Усмирлар учун. «Камалак». 19.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Ватанга садоқатдан хизмат қилайлик» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Чусовавда ёз» Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 «Республиканинг биринчи президенти». Ўйғдош Охунбобоев туғилган кунининг 95 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қорибқубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг «Ғўзал» ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.15 «Раис ўғли». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Қизиқувчилар экрани». Илмий-оммабоп программа. 20.55 «Истеъдодга йўл». Телефильм. 21.10 Абитуриентлар учун. Физика. 22.10 «Ер ва одамлар». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси (рус.).

**1 ИЮЛЬ. СЕШАНБА.**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.**

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Болалар учун. «Капитанлар». Бадиий фильм. 11.10 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.10 Москва комсомоли мукофотининг лауреати, автомобилсозлар Маданият уйи «Школьные годы» болалар» халқ хореографик ансамблининг концерти. 12.55 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Алексей Артюхов мактаби». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.05 Болалар учун. «Ҳайкар». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.15 «Ешлар адресларн».

18.15 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув. 19.00 «Меҳнат шон-шуҳрати сайфоидорлари». «Серп и Молот» заводининг коммунистлари. 19.15 «Дунё воқеалари» 19.30 СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати М. О. Реизен иштирокида П. И. Чайковский романслари. 19.55 «Таланг оҳанглари». Киноолвҳа. 20.00 «Кичик фожиалар». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм премьераси А. С. Пушкининг шу номли асари асосида. 1-серия. 21.00 «Время». 22.05 «Дўстларимиз чеҳраси». 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 «Москва Олимпиадаси 80 ни кутмоқда». Ҳужжатли фильм премьераси.

**Узбекистон телевидениесининг программалари**

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ижки заҳмат дарахти». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 12.10 Болалар учун. «Уйлаб топ». 12.40 «Болаликнинг сўнгги ёзи». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бўтирсоқ ҳақида эртак». Болалар учун мультфильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Олимпиада умидлари» (рус.). 19.00 «Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш». Самарқанд «Шелк» ишлаб чиқариш бирлашмасининг иш тажрибасидан. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ куйлари анъанаси». Мусиқали кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Шарқ халқининг қўшиқлари». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Июль—ҳосил тўпланда ҳал қилувчи ой». 22.20 Телетомошабинларнинг талабига биноан. «Дўстлик». Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи билан учрашув. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

ПАХТА ЦЕЛЛЮЛОЗАСИ ХИМИЯСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**вакант вазифаларга**

**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**лаборатория мудири;** целлюлоза технологияси;

**сектор мудирлари:** техникавий-иқтисодий тадқиқотлар, хом ашёнинг сарфланишини ва ишлаб чиқариш чиқитларини нормалаш, ацетат тола ишлаб чиқаришини автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш:

**катта илмий ходим:** илмий-техника группаси.

Конкурсда фан докторлари ва кандидатлари, шунингдек, бой ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар қатнашишлари мумкин.

КОНКУРС МУДДАТИ— 19 ИЮЛГАЧА.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри — 125, М. Горький проспекти, 1«а»-уй.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

ИЮНЬ, 1980 й. Р—13985 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2104.